БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 155 (902)

4 АВГУСТ ЯКШАНБА 1957 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 тийин

Халқ фаровонлиги тўғрисида буюк ғамхўрликнинг яна бир ёрқин далили

Кеча матбуотда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «СССРда уй-жой қурилишини ривожлантириш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Барча совет кишилари, шу жумладан областимиз меҳнаткашлари бу қарорни — халқимизнинг бахт-саодати тўғрисида, унинг турмуш-шароитларини бундан ҳам яхшилаш тўғрисида қилинаётган буюк ғамхўрликнинг янги, янада ёрқин далили, деб қизғин маъқулламоқдалар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати мамлакат экономикаси асосларининг асоси бўлган оғир индустрияни устун даражада ривожлантиришдан иборат ленинча бош йўлни изчиллик билан амалга ошириб келмоқдалар. Бунинг қимсолиги ўз областимиз қаётида ҳам жуда равшан кўра оламиз.

Совет ҳокимияти даврида вужудга келган, кун сайин ривожланаётган Тошкент, Чирчиқ каби республикамиз машинасозлик саноатининг тўнғич марказлари, Оҳангарон кўмир ҳавзаси, Ленин номи билан аталиб келаётган Бекобод металлургия заводи, руда бойликларимизнинг битмас-туганмас манбаи Олмалиқ ва бошқа саноат марказлари социалистик экономикамизни юксалтиришда катта роль ўйнамоқда.

Йирик саноат марказларининг вужудга келиши, совхоз ва колхозларнинг мустаҳкамланиши натижасида областимизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб кетди. Собиқ тўқайзорлар, ботқоқлик ерларда, чўли биёбонларда кўркам ва обод шаҳарлар, ишчи посёлкалари, ороmбахш қишлоқлар қад кўтарди.

Совет ҳокимияти йилларида шаҳарлардаги ва шаҳар типида бўлган посёлкалардаги умумий уй-жой фонди, 3,7 баравар кўпайди.

Совет ҳукумати капитал ва уй-жой қурилишига йилдан-йилга кўплаб маблағ ажратмоқда. 1957 йилнинг биринчи ярмида капитал маблағ сарфлаш ҳажми 1956 йилнинг шу даврдагига нисбатан 12 процент кўпайди. Шу билан бирга уй-жой ва маданий-маиший қурилишларга ҳам катта маблағ ажратилди. Давлат томонидан ажратилган маблағ ҳисобига умумий ҳажми 9 миллион квадрат метрдан ортиқ бўлган уй-жой майдони қурилди ва фойдаланишга топширилди. Бу эса ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 36 процент кўпдир. Корхоналар ва ташкилотлар давлат планидан ташқари кўплаб уй-жой биноларини қурмоқдалар.

Аммо кейинги вақтларда мамлакатда саноат қурилиши суръатлари, уй-жой қурилиши суръатларидан ўзиб кетди.

Бунинг устига шаҳар ва посёлкаларда якка тартибда уй-жой қурилиши етарли миқдорда олиб борилмаётир. Кўп жойларда меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетлари, корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари уй-жой қурувчиларга етарлича ёрдам кўрсатмаётирлар. Шунингдек бинокорлик материалларининг етишмаётганлиги ҳам шаҳар ва қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши суръатларини тезлатишга халақит бермоқда.

Областимизда бинокорлик материаллари ишлаб чиқаралиган кўпгина корхоналар қурилди. Бу корхоналар маҳаллий бинокорлик материаллари ресурсига ҳамда малакали бинокорлар армиясига эга. Бироқ мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмай келинаётилганлиги сабабли қурилиш ишлари суст бормоқда. Кўп жойларда бинокорлик материаллари етишмайди. Борлари ҳам тежаб-тергаб сарфланмайди. Айрим жойларда бинокорлик материалларининг талон-тарож қилинишига йўл қўйилади.

Областда уй-жой биноларини фойдаланишга топшириш 7 ойлик плани бажарилмади. Тошкент бинокорлари ўз мусобақадошлари бўлган олмаоталиклардан анча орқада қолаётирлар. Шаҳар бинокорлари ҳаолидан 7 ой мобайнида бир неча ўн минг квадрат метр уй-жой қарз бўлиб қолдилар. Айниқса Фрунзе ва Куйбишев районларида иш олиб бораётган трестлар ёмон ишламоқда.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети ҳозирги вақтда уй-жой қурилишини янада юксалтириш учун зарур шарт-шароитлар вужудга келтирилган деб ҳисоблайдилар ва яқин 10-12 йил ичида мамлакатда уй-жой танқислигини тугатиш учун уй-жой фондини жуда қисқа вақт ичида анча кўпайтиришга эришиш вазифасини қўядилар.

Қарорда бу вазифани муваффақиятли бажариш ва уй-жой қурилиш суръатларини тезлатиришни таъминлайдиган муҳим тадбирлар белгилаб берилган.

Горький шаҳри саноат корхоналари меҳнаткашларининг уй-жойларни ўз кучлари, «Халқ қурилишлари методи» билан қурилиш соҳасида кўрсатган ташаббуси уй-жой қурилишини кенгайтириш, қурилишнинг муддатларини қисқартириш ва қимматини камайтириш учун курашда жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу ташаббус кишиларимизнинг социалистик онги қоат ўсганлигини кўрсатувчи намунадир. Областимиз партия, совет ва касаба союз органлари ана шу ташаббусни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлашлари керак. Чунки бу ажойиб ташаббус меҳнаткашларнинг мамлакатимизда уй-жой проблемасини мумкин қадар тезроқ ҳал этишга интилаётганликларини ифода этади.

Маҳаллий партия, совет ва хўжалик ташкилотлари шунингдек корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари якка тартибда уй-жой қурувчиларни бинокорлик материаллари, қурилиш деталлари билан, темиртерсак ва дурадгорлик буюмлари билан ҳамда санитария-техника ускуналари билан кўпроқ таъминлашга ёрдам беришлари лозим.

Меҳнаткашларнинг уй-жой, маиший шароитини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш касаба союзларнинг энг муҳим вазифасидир. Касаба союзларнинг Марказий ва маҳаллий комитетларининг вазифаси — давлат йўли билан уй-жой қуриш планларининг бажарилиши юзасидан жамоат контролини кучайтириш, корхоналарнинг маблағлари ҳисобига ҳамда ишчи-хизматчилар меҳнати ёрдами билан уй-жой қурилишини ривожлантиришда актив иштирок этиш, уй-жой қуришга керакли бинокорлик материаллари, буюмлар ва деталлар ишлаб чиқариш соҳасидаги ишларни ўз вақтида бажариш учун қурувчилар коллективларининг мусобақасини уюштириш ва уни кенг ривожлантиришдан иборатдир.

Областимизнинг кўпсонли бинокорлар армияси корхона ва муассасаларнинг коллективлари билан биргаликда ўзларининг ижодий куч ва ғайратларини уй-жой қурилишидаги ҳамма резерварни аниқлашга ва улардан фойдаланишга сафарбар қилмоқлари ва шу билан мамлакатимизда уй-жой танқислигини яқин 10-12 йиллар ичида тугатишдан иборат энг муҳим умумхалқ вазифасини сўзсиз бажарилишида муносиб ҳисса қўшишга эришмоқлари лозим.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Иттифоқи Ҳукумати ҳамда Югославия Коммунистлар союзи Марказий Комитети ва Югославия Федератив Халқ Республикаси Ҳукумати делегацияларининг учрашуви тўғрисида

АХБОРОТ

1957 йил 1-2 августда Руминияда КПСС Марказий Комитети ва СССР Ҳукумати ҳамда Югославия Коммунистлар союзи Марказий Комитети ва Югославия Федератив Халқ Республикаси Ҳукумати делегацияларининг учрашуви бўлди.

Суҳбатларда қуйидагилар қатнашдилар:

Совет томонидан Н. С. Хрушчев, А. И. Микоян, О. В. Куусинен, Б. Н. Пономарев, Н. П. Фирюбин ва Ю. В. Антропов ўртоқлар.

Югославия томонидан Иосип Броз-Тито, Эдвард Кардель, Александр Ранкович, Велко Влахович ва Велко Мичунович ўртоқлар.

Ҳар иккала партия ва Ҳукумат вакиллари СССР билан Югославия ўртасидаги муносабатларга доир бир қанча масалаларни, шунингдек иккала партиянинг фаолиятига ҳамда социализм ва бутун дунёда тинчликнинг умумий манфаатларига доир масалаларни ҳамда айниқса ўзаро муносабатларнинг янада муваффақиятли ривожланишига халақит бераётган масалаларни қараб чиқдилар.

Шунингдек делегациялар халқаро аҳволга тааллуқли масалаларни, халқаро ишчилар ҳаракатига, тинчлик ва халқлар ҳавфсизлиги учун курашга доир бир қанча проблемаларни ҳам муҳокама қилдилар.

Суҳбатлар давомида ҳар иккала томоннинг ўзаро муносабатларни ҳар тарафлама янада ривожлантириш устида ҳамда бу муносабатларнинг ривожланишини қийинлаштираётган тўсқинликларни бартараф қилиш устида ишлашга рози эканлиги тасдиқланди.

Ҳозирги халқаро вазиятнинг асосий масалалари устида якдиллик борлиги ҳам тасдиқланди.

Коммунистик ва ишчи партияларнинг ҳамда барча социалистик мамлакатлардаги халқларнинг, бутун дунёдаги тинчликсевар ва прогрессив кучларнинг бирлигини ва қардошларча ҳамкорлигини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш ҳамда халқаро ишчилар ҳаракатининг бирлиги алоҳида аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Ҳар иккала делегация Совет Иттифоқи билан Югославия Федератив Халқ Республикаси ўртасидаги муносабатлар бундан буён ҳам тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик қилиш, суверенитетни, мустақилликни ҳурматлаш ва аралашмаслик асосида ривожланади, деб уқтириб ўтдилар. Шу билан бирга делегациялар Белград ва Москва декларациялари ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларни, КПСС билан Югославия Коммунистик союзи ўртасида марксизм-ленинизм принциплари асосидаги ҳамкорликни ривожлантириш учун актуал аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар, ҳамда бу Декларацияларда баён этилган қоидаларни бундан буён ҳам амалга оширишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Ҳар иккала делегация партиялар ўртасида ҳамкорликнинг ҳамда бир-бирига партия делегациялари юбориб туриш, информациялар ва нашрларни айирбошлаш йўли билан доимий алоқа қилишнинг конкрет формалари тўғрисида келишиб олдилар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

АКАДЕМИК Л. А. ОРБЕЛИНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Физиология фани соҳасидаги катта хизматлари учун, илмий-педагогика фаолиятининг эллик беш йиллиги муносабати билан, академик Леон Абгарович **Орбели Ленин** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль
1957 йил 1 август

Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир шоҳ Тожикистонга келди

Бугун эрталаб Афғонистон давлатининг бошлиғи Муҳаммад Зоҳир шоҳ Ҳазрат Олийлари ўз ҳамроҳлари билан бирга Тожикистон пойтахтига келди.

Сталинобод аэродромида самолёт келиши олдидан шаҳарнинг кўп аҳолиси, жамоат ташкилотларининг вакиллари, фан, маданият арбоблари, мусулмон руҳонийларининг вакиллари тўпландилар.

Кутиб олувчилар орасида: Тожикистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси М. Раҳматов, Тожикистон ССР Министрлар Советининг раиси Н. Додхудоев, республика Олий Совети президиумининг аъзоси Т. Ўлжабоев, Сталинобод шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Н. Бобожонов, министрлар, СССР ва Тожикистон ССР Олий Советларининг депутатлари бор эдилар.

Аэропортда — Афғонистон, Совет Иттифоқи, Тожикистон ССРнинг давлат байроқлари, подшо штандарти, Пушту, форси, рус ва тожик тилларида: «Хуш келибсиз» деб ёзилган. Маҳаллий вақт билан соат 10 дан 30 минут ўтганда Афғонистон подшоси тушиб келган самолёт аэродромга келиб қўнади.

Тожикистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. Раҳматов дўстона Афғонистоннинг бошлиғини республика пойтахтига келиши билан табриклади.

Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир шоҳ ўз сўзида бундай деди:

— Мен бугун зўр хурсандчилик билан Сталинобод тупроғига қадам қўймоқдаман. Мен тожик халқининг самимий қизғин кутиб олганлигидан чуқур таъсирландим ва шахсан ўзимдан сизга миннатдорчилик билдираман, ҳамда тожик халқига афғон халқининг бахт-саодат тилакларини билдираман.

Подшо билан бирга Сталинободга унга ҳамроҳ бўлиб борган СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари М. П. Тарасов, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари А. В. Захаров, армия генерали И. В. Тюленев, СССРнинг Афғонистондаги элчиси М. В. Дегтярь ва бошқа кишилар келдилар.

Аэродромдан резиденцияга бориш йўлида Афғонистон подшоси ва унинг ҳамроҳлари Тожикистон пойтахтининг марказий кўчаларидан ўтдилар ва бу ерда уларни мингминглаб аҳоли табриклаб турди.

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ КЕНГАШИ САНОАТИ ИЮЛЬ ОЙИ ПЛАНИНИ ОРТИҒИ БИЛАН БАЖАРДИ

Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши корхоналарининг ишчилари, инженерлари ва хизматчилари Улуғ Октябрнинг 40 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, катта муваффақиятни қўлга киритдилар. Июль ойи ишлаб чиқариш плани 103,1 процент бажарилди. Қўшимча равишда кўпгина металл, машиналар, электр асбоб-ускуналари ва бошқа турдаги саноат маҳсулотлари, шунингдек аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Янги структурада ишлашнинг дастлабки ой саноат корхоналари фаолиятида силжиш бўлганлигини кўрсатди. Июль ойида ишлаб чиқариш ҳажми ўтган ойдагига нисбатан анча ўсди. Шу вақтга қадар орқада қолиб келаётган қатор корхоналар ҳам давлат программаларини муваффақият билан адо этдилар.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ҒАЛЛА ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРДИ

3-августда Тошкент области 1957 йил давлат ғалла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарди. Пландаги 13707 тонна ўрнига 13800 тонна ғалла топширилди, ёки ғалла тайёрлаш плани 106 процент бажарилди.

Давлатга ғалла топшириш давом этмоқда.

Уй-жой қурилишини янада кучайтирайлик!

☆ ☆ ☆

Янгиер бинокорларининг қувончи

Мирзачўлнинг қоқ марказида Янгиер шаҳрини қураётган кўпмингли бинокорлар отряди КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «СССРда уй-жой қурилишини ривожлантириш тўғрисида» қабул қилган катта қарорини қувонч билан кутиб олдилар. Бу ердаги барча қурилиш-монтаж ташкилотлари, шунингдек кўпсонли қурилиш участкаларида фидокорона меҳнат қилаётган бинокорлар, монтажчилар, бетончилар Марказий Комитет ҳамда Министрлар Совети қарорида белгиланган барча тадбирларни маъқулламоқдалар.

Янгиер шаҳрининг қурила бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин мана шу қисқа фурсат ичида партия ва ҳукуматнинг тинмай кўрсатаётган ғамхўрлиги туфайли қариб 50 минг квадрат метр ҳажмда уй-жой, маданий-маиший бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Қарор баланд овоз билан ўқиб берилгач, бинокорлар ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини гапирдилар.

— Партия ва ҳукуматимизнинг бу қарори совет кишиларининг ҳистуйғусини, орзусини ўзида тўла ифода этган, — дейди «Главголодностепстрой»га қарашли 3-қурилиш-монтаж бошқармасининг илғор ишт терувчиси ўртоқ Тўран Ўрунов. — Янгиерни, шунингдек унинг атрофидаги совхоз поселкаларини қуришга киришганимизга ҳали бир йил ҳам тўлгани йўқ. Лекин бажарган ишларимизга бир назар ташласак, жуда катта натижаларни қўлга киритганимизни кўрамиз. Бундан 5-6 ой бурун кўпчилигимиз палаткаларда истиқомат қилардик. Эндиликда ўзимиз қурган кенг ва ёруғ биноларда яшаётирмиз. Бироқ, ҳали ҳам уй-жойга бўлган талабни тўла қондираётганимиз йўқ. Янгиер аҳолиси кундан кунга ўсиб бораётир. Уларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжини тўла қондиришимиз учун ҳали талайгина иш қилишимиз керак. Лекин афсуски, бошқармамиз ишт, тахта сингари зарур бинокорлик материалларини ўз вақтида етказиб беролмаётибди. Бинокорлар баъзи кунлари мутлақо бекор туриб қоладилар. Биз аввало ишимиздаги ана шу нуқсонларга барҳам беришимиз керак. Шундагина аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини яқин йиллар ичида қондира оламиз.

«Главголодностепстрой» қурилиш-монтаж бошқармасига қарашли ўртоқ Чечель бошлиқ қурилиш участкаси бинокорлари ҳам бу қарорни кенг қувватламоқдалар. Қурувчилар уй-жой қурилиши юзасидан олган социалистик мажбуриятларини ортиғи билан бажаришга, биноларни сифатли қуришга аҳд қилдилар.

Резервларни кўпроқ қидириб топайлик

Марказий район республикамиз пойтахтининг аҳоли энг қалин яшайдиган, жуда кўп корхона, муассаса ва савдо-сотиқ ҳамда умумий овқатланиш корхоналари жойлашган райондир. Район территориясида янги бинолар қуриш учун бўш майдон деярли йўқ. Шунинг учун ҳам айниқса бу районда уй-жой масаласи анча қийин ва жанжалли масаладир. Шунга қарамай биз уй-жой биноси қуришга участка ажратиб беришни ва квартира билан таъминлашни сўраб ариза бераётган меҳнаткашларнинг талабларини қондириш учун қўлимиздан келган ҳамма чора ва тадбирларни амалга оширмоқдамиз.

Район территориясида жойлашган бир қанча корхона ва муассасалардаги уй-жойга муҳтож ишчи ва хизматчиларнинг горькийликлар методи асосида ўз кучлари билан коллектив бўлиб уй қуриб олишлари учун Оржоникидзе райони ҳамда Тошкент районидаги Оқтепа массивидан ер участкаси ажратиб берилди. Уларнинг кўплари ишни бошлаб юборганлар.

Бироқ, ҳозирги пайтда ҳаммани ер участкаси билан таъминлашга имконият йўқ. Бунинг устига кўпларга шаҳар чеккасидан қатнаб ишлаш анча қийинчилик туғдиради. Шунинг учун янги хўжаликларни жойлаштириш мумкин бўлган квартираларни район территориясининг ўзидан қидириб топиш зарур эди. Район партия комитети ва ижроия комитети бошчилигида мана шу ишни изчиллик билан амалга оширишмақсадида корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари, депутатлар ҳамда актив жамоатчилардан иборат махсус комиссия тузилди. Бу комиссия аъзолари район территориясидаги ҳамма уй ва идораларни кўздан кечириб чиқмоқдалар. Текшириш давомида ортиқча квартиралар, саноат ва қурилишни бошқаришни янгича ташкил этиш муносабати билан кўпгина идораларнинг тугатилиши натижасида уй-жойга айлантириш мумкин бўлган бинолар аниқланмоқда. Шу пайтгача мана шундай йўл билан жорий ёки капитал ремонт қилгач, 40 дан ортиқ хўжаликни жойлаштириш мумкин бўладиган квартира топилди. Ортиқча звено ва штатлари қисқартиш натижасида бўшаган жамоат биноларини уй-жойга айлантириш давом этмоқда.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг мамлакатимизда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш тўғрисида чиқарган қарори халқимизнинг туб манфаатларини ифода этади ва яқин йиллар ичида уй-жой масаласини узил-кесил ҳал этиш имкониятини беради. Районимиз меҳнаткашлари шунинг учун ҳам бу муҳим қарорни қувонч билан кутиб олдилар.

А. БОЖАНОВ,

Тошкентдаги Марказий район ижроия комитети уй-жой бошқармасининг бошлиғи.

Янги ёғочсозлик заводи

Пойтахтнинг Октябрь райони территориясида янги, йирик ёғочсозлик заводи қурилаётир. Янги корхона Мирзачўлда ташкил этилган совхозларга кўчирилган хўжаликлар учун ҳамда қурилаётган янги объектлар учун ёғоч ва тахтадан ясаладиган бинокорлик деталлари етказиб беради.

Завод бу йил бутунлай қуриб битказилади ва йил охиригача 12 минг квадрат метр дераза кесакиси, 6 минг квадрат метр эшик кесакиси, 800 кубометр пол тахта ва 10 минг квадрат метр ҳажмида турли хил дурадгорлик буюмлари ишлаб чиқаради. Бундай маҳсулотларни сифатли ва арзон тайёрлаш учун корхона юқори иш унумли машина ва механизмлар билан ускуналанмоқда.

Яқинда заводнинг арралаш цехи ишга туширилди, бошқа цехларда ҳам яқин кунларда иш бошлаб юборилади. Корхонада шу кунгача бир неча ўн минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Я. ТОЛСТОНОГ.

Янгидан-янги бинолар қад кўтармоқда

Чилонзор мавзуига яқин вақтларда бордингизми?

А? Аттанг, йўлингиз тушмабтида. Бу ерда шундай қурилишлар кетаяптики, асти қўяверасиз. Фақат бир Чилонзор кўчасининг ўзида 12 та икки қаватли катта уй-жой биноси, сут комбинати қурилаётир, собиқ мебель фабрикасини изолятор заводига айлантириш юзасидан реконструкция ишлари жадал олиб борилмоқда. Тошкент киностудиясининг янги биноси ҳам шу ерда қурилаётир. Унинг асосий корпуси тикланди.

Чилонзор кўчасидаги пасқам эски уйлар ўрнида қад кўтараётган янги, муҳташам биноларнинг биринчиси яқинда фойдаланишга топширилди. Кенг, ёруғ ва яшаш учун ҳамма қулайликларга эга бўлган квартираларга кўчиб кирган оилалар ҳозир ҳузур қилиб яшамоқдалар.

Комсомол кўлининг шарқий дарвозасидан асфальт ётқизилган кўча — янги Чилонзор кўчаси бўйлаб сал юришингиз билан энди бир қавати битган, иккинчи қаватига ишт терилаётган уйга кўзингиз тушади. Унинг ёнидаги худди шундай 12 квартирали уйнинг иккинчи қавати ҳам кўтарилиб қолибди. Тўрт-беш уста ундан нариги шлакоблоқдан тикланган бинонинг стропилини қоқишаяпти. Бинонинг ичкарисида эса дурадгорлар эшик, деразалар ўрнатишаяпти, сувоқчилар сувоқни, пардозловчилар безак ва ички пардоз ишларини бажаришмоқда, шлакоблоқ устига чиройли плиткалар ёпиштиришаяпти. Икки бино ўртасига жойлаштирилган башнялик кран дурадгор, сувоқчи ва пардозловчиларга ҳам, нариги бинонинг иккинчи қаватига ишт тераётганларга ҳам хизмат қилмоқда.

Яқинда битган муҳташам уйнинг ёнида қурилаётган худди шундай типовой уйнинг биринчи қавати томига темир бетондан тайёрланган мустаҳкам тўсинлар ўрнатилаётир. Ундан нарида икки 12 квартирали уй битиш олдида турибди. Хуллас, кўча бўйлаб қатор кетган биноларнинг бирин-кетин қад кўтармоқда. 2 кўтарма кран, автокран, транспортёр ва бошқа механизмлар бинокорлар меҳнатини енгиллаштиришга, ишни тезлатишга хизмат қилмоқда.

Ҳамма қурилиш объектида иш қизғин бормоқда. Ишт терувчи ва сувоқчиларнинг, дурадгор ва пардозчиларнинг, механизатор ва қоришма тайёрловчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Уларнинг ҳаммаси ўзларининг яқинлашиб келаётган традицион байрамларини муносиб совғалар билан кутиб олиш иштиёқида завқ-шавқ билан ишламоқдалар.

Мана, новатор бинокор Зияев бошчилигидаги 29 кишилик ишт терувчилар бригадаси 8-номерли уйнинг юқори қаватига ишт термоқда. Ўрта бўйлик, қорачадан келган, меҳнатда чиниққанлиги жасади ва ҳаракатларидан сезилиб турган бригада бошлиғи гоҳ у, гоҳ бу ишт терувчи олдига келиб, унинг ишига разм солиб турибди. У яқиндан бери мустақил ишга қўйилган ёш мутахассислар ишини айниқса диққат билан кузатади. Бригадир бино бурчагига ишт тераётган Норматнинг ҳаракатига бир нафас қараб тургач, унинг ёнига ўтирди-да, камчилигини кўрсата бошлади:

— Қоришмани қалин ётқизмагин дейманку ука мана кўрдингми, устига ишт босишинг билан ғилқ этиб ёнига қайнаб чиқади. Ҳам қоришмани исроф қиласан, ҳам ишинг хунук чиқади. Қалин қоришма устига қўйилган ишт тўғри ётмайди, у албатта бир томонга ботади. Ҳар қаторда оз-озгин қийшайса, биласанми нима бўлади?

Устоз Норматнинг қўлидан қоришма ётқизадиган куракчасини олди-да, бир неча ишттни терib кўрсатди. «Қаторларнинг чокига, ишттнинг қирраси ва бинонинг рахига қараб-қараб шошилмасдан теравер» деб уқдирди-да, ховоза бўйлаб нариги томонга йўл олди. У, қаеда — қурилаётган бино подвалида салқинлаб ўтирган уч кишини кўриб, улар ёнига тушди.

— Бугун карнизга етказа олармиксанси? — маслаҳат тариқасида сўради бошлиқ улардан.

— Етказамиз, — жавоб берди дам олаётганлардан иккинчиси. — Индинга карнизини ҳам айлантириб бўламиз. Шунда биз ишни белгиланганидан роса бир ой олдин тугаллаган бўламизми?

— Ҳа, бир ой ютган бўламиз. Энди ишни бўшаштирмай, шу зайлда ғайрат билан ишлайверсак, Октябрь байрамини қўшимча равишда битта 12 квартирали уй ишттини терib бериш билан кутиб оламиз. Партия ва ҳукуматимизнинг уй-жой қурилишини ҳамма чоралар билан ривожлантириш тўғрисидаги қарорини ўқиндинглар-ку, ишқилиб суръатга суръат қўшиш учун ҳар биримиз қўлимиздан келганича курашайлик.

Шу куни қурилиш участкасининг Фёдоров бошчилигидаги ишт терувчилар бригадаси, Смаженников бошчилигидаги сувоқчилари, Пихтин бошлиқ дурадгорлар бригадалари ҳам мўлжалдагидан анча кўп иш қилдилар.

Яқинлашиб келаётган Бинокорлар кунини ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичлар билан кутиб олиш учун фидокорлик кўрсатиб ишлаётган Чиланзор қурилиш участкасининг коллективи ўз традицион байрамигача 3 уйни, августнинг охиригача эса яна 3 уйни қуриб битказиш ва тўла-тўкис қўллан чиқаришга аҳд қилган. Ҳар бир бинокор мана шу аҳднинг устидан чиқиш ва август ой охиригача юзга яқин оиланинг шинам квартираларга кўчиб киришини таъминлаш ниятида кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшиб ишламоқда.

З. ИСРОИЛОВ.

Суратда: Чилонзор кўчасида янги уй қурилиши. В. Салов фотоси.

СОВЕТ КУРИЛИШИ

ЖОНКУЯР РАИС

Биз эрталаб раис қабулхонасига кирганимизда тўрт-беш киши ўзаро гаплашиб ўтирарди. Хрушчев номли колхоз аъзоси ўртоқ З. Омонқулова сўзини давом эттирди:

— Умрингдан барака топкур хўп раисимиз бор-да. Унинг олдига қачон кирсанг, ишинг битган-у, кўнглинг хурсанд.

Ҳамроҳининг сўзини унинг ёнида ўтирган шу қишлоқ советида яшовчи Ҳожинисо опа қувватлади.

— Ҳақиқий гап. Ўтган йили уйимизни ремонт қилишда раисимиз катта ёрдам берди. Ўзи бош бўлиб қурилиш материаллари, бинокор усталарни келтириб, худди ўз отамдек меҳрибонлик қилди.

Биз қабулхонада ўтирганимизда қисқа вақт орасида бир неча киши ишини битириб чиқди. Раиснинг кабинетига кирганимизда у Ю. Ҳан деган киши билан бахслашарди. У киши шу қишлоқ советида рўйхатда турмагани ҳолда, пул олиш учун тилхат ёзиб беринг деяпти. Раис, мен бундай қонунсиз ишларни қилолмайман, деса, у мен районга бораман, арз қиламан дейди...

Султон ака Жумақулов бош бўлган Тўйтепа қишлоқ совети районда намунали қишлоқ совети эканлигига унинг ишлари билан танишганимизлан кейин қаноат ҳосил қилдик.

Қишлоқ совети ободончилик, қишлоқ хўжалиги доимий комиссияларининг ишларини, депутатлар ва активлар билан ишлашни яхши йўлга қўйган.

Ободончилик масаласи юзасидан «Ҳақиқат», Охунбобоев, Навоий кўчаларида яшовчи аҳолидан кўплаб наказ ва аризалар тушди. Раис бу масалани шу йил янги сайланган депутатлар билан биргаликда муҳокама қилди. Депутатлар раисининг шу кўчаларга шагал тўктириш ва уни текислаш тўғрисидаги фикрини қувватладилар. Тез орада 15 километрли йўл депутатлар ва активларнинг ёрдами билан текисланди. Шунингдек, раисининг ташаббуси билан Навоий, Ворошилов, Оржоникидзе ва бошқа кўчалар Ильич чироқлари билан ёритилди. Қишлоқ совети территориясида раймаг, озиқ-овқат магазини қурилди. 2 та янги мактаб биноси эса кенгайтирилди. 300 хўжалик янги уй-жой қуриб олди. Бу йил маҳаллий Советларга бўлиб ўтган сайловлар вақтида сайловчилар ўз депутатлари ҳамда қишлоқ советига артезиан қудуғини қуриб битказиш, ўқитувчиларга 4

С. ЖУМАҚУЛОВ

хонали уй қуриб бериш тўғрисида наказлар берган эдилар. Ҳозир водопровод қурилиши битиш олдида турибди. Яқин кунларда ўқитувчилар ҳам янги уйга кўчиб ўтадилар.

Қишлоқ советининг қишлоқ хўжалик, чорвачилик ва халқ маорифи доимий комиссиялари шу кунларда салмоқли иш қилмоқдалар. Бу комиссияларнинг ўз иш планлари бор. Улар вақт-вақти билан Совет олдида ҳисобот бериб турадилар. Комиссияларнинг қилаётган ишлари устидан ўртоқ С. Жумақулов мунтазам равишда контроллик қилади ва уларга ўзининг қимматли маслаҳатлари билан ёрдам беради.

Қишлоқ совети активларидан пенсионерлар И. Ҳакимов, Т. Расулев ва А. Эшматов ўртоқлар Совет ишида актив қатнашмоқдалар.

Султон ака Совет ишида қарийб 35 йилдан бери ишлаб келади. У ўз фаолиятини Қуйи Чирчиқ районидаги «Узоқ» (ҳозирги Қоратепа) қишлоқ советининг секретари лавозимидан бошлаган. Бу вазифада у 10 йилча ишлаганидан кейин, 8 йилча район ижроия комитетининг ташкилий бўлим мудири, сўнгра ижроком раисининг ўринбосари ва ниҳоят ижроком раиси бўлиб ишлаган. 1943 йилдан буён шу қишлоқ советининг раиси бўлиб ишламоқда. 1947-48 йилларда колхозга раис ҳам бўлган. Лекин қишлоқ совети ишларида кўп йиллик тажрибага эга бўлгани сабабли меҳнаткашлар уни яна қишлоқ советига раис қилиб сайлашди.

— Мен Совет соҳасида 35 йиллик иш фаолиятимда кўп қийинчиликларни бошдан кечирдим. Лекин ҳеч иккиланмадим, зорланмадим, саросимага тушмадим. Ютуқларга эришганимда эса мағрурланиб ҳам кетмадим. Ҳар доим омма билан маслаҳатлашиб иш қилдим, — дейди ўртоқ С. Жумақулов ўз ишидан мамнун бўлгани ҳолда.

Қишлоқ совети ишида камчиликлар мутлақо йўқ деб бўлмайди, албатта. Ўртоқ Жумақулов Совет фаолиятида айрим камчиликлар мавжуд эканлиги, уни бартараф этиш соҳасида қилинаётган ишлар ҳақида ҳам гапириб берди. Қишлоқ советининг баъзибир доимий комиссиялари ҳали ҳам яхши ишламаётирлар. Жумладан, депутат С. Ғуломов раислик қилаётган соғлиқни сақлаш доимий комиссияси колхозлардаги аҳволдан хабардор бўлиб турмайди. Ўртоқ Ҳ. Ҳамзаева раислик қилаётган савдо доимий комиссияси савдо ишларини яхшилаш масалалари билан шуғулланмаётир. Қишлоқ марказидаги ошхонада тайёрланаётган овқатларнинг сифати паст.

Ўткир зеҳнли, ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчан, шошмасдан, лекин ўйлаб иш юргизувчи Султон ака Жумақулов меҳнаткашлар манфаатлари йўлида жонкуярлик қилаётгани туфайли ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлган.

А. ИСМОИЛОВ.

Ўрта Чирчиқ райони

„Тошкент ҳақиқати“-нинг почтасидан

Меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларини тезда қондирайлик

★ ★ ★ ★ ★

Бўкадаги савдо тармоқларига кенг истеъмол моллари келтирилсин

Бўка районида 40 дан ортиқ турли магазин бўлиб, буларда харидорларнинг талабларини бирмунча қондирадиган турли моллар сотилмоқда. Лекин шу кунларда мўл ҳосил етиштириш учун фидокорона меҳнат қилаётган район колхозчилари ўзларига зарур бўлган кенг истеъмол моллариии магазинлардан қидириб топа олмай, қийналмоқдалар.

Ҳаммадан муҳими ип газламаларнинг турли ассортименти, тринка ва бошқа арзон, харидорбоп материаллардан тикилган шим, кўйлак ва костюмлар магазинларга келтирилмаётир. Шунингдек, 18-22 размердаги болалар пойафзали, 38-41 размердаги оёқ кийимлар ва айниқса арзон этиклар ҳам топилмайди.

Районнинг айрим қишлоқларида электр йўқ. Шунинг учун ҳам бу ерларда батареялик радиоприёмникларга эҳтиёж катта. Шунга қарамай, район магазинларида бундай радиоприёмникларни, уларнинг батареяларини қидириб топиш амримаҳол.

Бу ҳақда тушган заявка ва таклифлар қондирилмай келаётир. Тўйтепа районлараро базаси (директори ўртоқ Визятов) ва «Ўзбекбирлашув» (правление раиси ўртоқ Юнусов) ташкилотлари аҳолининг талаб ва истакларини яхши ўрганмайдилар, Бўка районидаги магазинларни зарур кенг истеъмол моллари билан таъминлаш чораларини кўрмаётирлар.

Район меҳнаткашлари магазинларда зарур молларнинг етарли миқдорда бўлишини талаб қилмоқдалар.

Ж. СУЛТОНОВ,

Бўка район партия комитетининг ходими.

Бу хоналар мактабникими ёки...

Партия ва ҳукуматимиз ёш авлоднинг ўқиб билим олиши учун гамхўрлик қилиб, ҳамма имкониятларни яратиб бермоқдалар. Шаҳар ва қишлоқларимизда қўшқаватли, кўпхонали янги бинолар қад кўтараётир. Жамоат ташкилотлари ва ота-оналар мактабга яқиндан ёрдам бериб, болаларнинг яхши ўқишлари учун зарур шароитни яратиб бериш чораларини кўрмоқдалар.

Бизнинг болаларимиз ўқийдиган Октябрь районидаги Пушкин номли 119-ўрта мактаб биноси ҳам янги қурилган, болаларимизнинг нормал ўқиши учун унда зарур шароитлар мавжуд. Бироқ ўқувчилар кўпаяётгани сабабли бино ва хоналарга бўлган талаб ортмоқда. Бу йил 140 га яқин ўғил-қиз биринчи марта мактаб остонасига қадам қўяди.

Мактабда 14 синф учун хона бўлгани ҳолда 33 группа ўқийди. Бошланғич синф ўқувчилари бир неча йиллардан буён уч сменада ўқийдилар, Ўтган йили хона етишмаганидан политехника ўқуви йўлга қўйилмади. Мактаб маъмурияти бу камчиликни бартараф қилиш учун 2 хонали бино қураётир.

Мактабда сменаларни камайгириб, ўқувчиларга шароит яратиш учун айрим нуқсонлар тўсқинлик қилмоқда. Масалан, бу ерда мактабга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ва 6-ҳунар мактабида ишлайдиган К. И. Зеленская ва унинг қариндошлари яшайдилар. Булар уч хонани банд қилган. Ҳамма қулайликлардан фойдаланганлари ҳолда 11 йилдан буён мактабга ҳақ тўламайдилар. Зеленская, Харковскаяларни мактаб биносидан кўчириш беш йилдан буён ҳал бўлгани йўқ. 1952 йил сентябрь ойида 3-участка халқ суди чиқарган ажрим қарори республика прокурори томонидан тўхтатилгани сабабли амалга оширилмади. Ўзбекистон ССР Олий суди коллегиясининг ажрим қарорида Зеленскаялар оиласига квартира берилганда кўчирилади, деб кўрсатилди. Шунга биноан, бир неча марта хоналар топиб берилди. Ҳатто район ижроия комитетининг карори билан янги бино қуриш учун Мевазор массивида ер участкаси ҳам берилди. Ҳозир 4 хона тайёр, яшаш мумкин. Зеленская «онам, синглимга менинг алоқам йўқ» деб, янги участкага кўчиб чиқишга ўжарлик қилмоқда. Натижада бу хоналар ремонтсиз қолаётир.

Зеленскаялар оиласининг мактабда туриши ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас. Бу ҳақда ёнгинга қарши команда ҳамда санитария инспекцияси бир неча марта акт ёзган. Бундан ташқари, Зеленскаяларни кўчириш ва хоналарни мактаб ихтиёрига олиб бериш керакли ҳақида район халқ мориф бўлими, уй-жой бошқармаси, район ижроия комитетига, ҳатто шаҳар ижроия комитетига мурожаат қилинди. Бироқ ҳамма талаблар ҳам оқибатсиз қолиб кетди.

Мактаб хоналари хусусий шахслардан аллақачон бўшатилиши ва ўқув-тарбия ишларини янада яхшилаш учун қулай шароит яратиб берилиши керак эди. Афсуски, мактаб хоналари бўшатилгани йўқ. Хоналар мактабга қарашли, унда болалар ўқиб билим олишлари керак. Биз бу масалага юқори ташкилотларнинг аралашишини ва хоналарни яқин кунлар ичида бўшатиб, мактаб ихтиёрига олиб беришларини талаб қиламиз.

Ҳ. ЗАРИПОВ,

Октябрь районидаги Пушкин номли 119-ўрта мактаб ота-оналар комитетининг раиси,

З. ҒУЛОМОВ, Т. РИЗАЕВ, Х. БАҲРОМОВА, комитет аъзолари

Фабрика клуби бўшатиб берилсин

Фабрика клуби ҳаваскор ҳушчақчақ ёшлар билан гавжум. Аккордеоннинг шўх куйи авжига чиққан. Ёшлар шўх ва ўйноқи рақсларни ижро этмоқдалар. Ишдан сўнг бундай хордиқ чиқариш қандай кўнгилли! Лекин бу хурсандчилик узоқ давом этмади. Фабрика директори ўртоқ Одил Нурмуҳамедов кириб келиб:

— Клубни бўшатинглар! Клуб фабрика ошхонаси ихтиёрига берилган,— деди.

Шу кундан бошлаб фабриканинг қувноқ ёшлари тўгарак машғулотларини, кўнгил очар кечаларини, учрашувларини қаерда ўтказишни билмай, сарсон-саргардонликда қолдилар. Фабрика комсомол-ёшлари клубни бўшатиб бериш ёки бошқа клуб биноси топиб бериш масаласини дирекция олдига қўйдилар. Аммо директор уларнинг арзига қулоқ солмади.

Республикада ёшлар ичида ўзининг шўх куйлари, жозибадор рақс ўйинлари билан танилган 2-пойафзал фабрикасининг ҳаваскор ёшлари ўзларида яхши жиҳозланган катта клуб бўлатуриб, бошқа жойларда кечалар, учрашувлар ўтказишга мажбур бўлмоқдалар.

Бундан ташқари, фабрика ёшлари орасида спорт билан шуғулланишни севувчи ёшларни жуда кўплаб учратиш мумкин, аммо фабрикада бир йилдан бери спорт мусобақалари ўтказилмайди. Аксинча, спорт инвентарлари ҳовлининг бир четида занглаб ётибди.

Фабрика маъмурияти, партия ташкилоти ва касаба союз маҳаллий комитети ёшларнинг талабларини қачон қондирадилар? Маданий дам олиш учун қурилган клублан қачонгача ошхона ўрнида фойдаланадилар?

А. АБДУМАЖИДОВ.

Сайловчиларнинг талаби

Шу кунларда Янгийўл шаҳар Советининг депутатлари ўз сайлов участкаларига бориб, сайловчилар олдида ҳисобот бермоқдалар. Яқинда ёғ заводининг ёзги клубига 300 дан ошиқ сайловчи тўпланди. Улар бу ерда шаҳар Советининг депутати М. М. Тучинский билан учрашдилар.

Ўртоқ Тучинский шаҳарда ярим йил ичида қилинган ишлар ҳақида сўзлаб берди. У, шаҳар ижроия комитетининг шу давр ичида ободончиликка доир бир қанча тадбирларни амалга оширганини ва ҳозир ҳам бу соҳада катта ишлар қилинаётганлигини таъкидлаб ўтди. Водопровод қурилиши учун 1500 метр ҳажмда траншея қазилди. 1400 метр жойга трубалар ётқизилди, кўп кўчаларнинг тротуарлари асфальтланди. Шаҳар саноати маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳам катта ютуқларга эришиб, ярим йиллик план 107,7 процент бажарилди ва пландан ташқари 17 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Сўзга чиққан сайловчилардан Кудрявцев, Названов, Фатиева ва бошқа ўртоқлар депутат Тучинскийнинг сайловчилар томонидан берилган кўп наказларни бажармаганини эслатиб ўтдилар. Поликлиникада беморларга маданий хизмат кўрсатиш шу кунинг талабига жавоб бермайди. У ерда озодаликка эътибор берилмайди. Шаҳарда сабзавот сотиш дўконлари аҳолининг талабини қондирмайди, айрим савдо тармоқларида моллар ассортиментини кўпайтиришга эътибор берилмайди; харидорларни алдаш, молни кам ўлчаб бериш фактлари бор. Масалан, ёғ заводи ҳузуридаги магазин мудири Хидиров доим харидорлар ҳақига хиёнат қилиш билан шуғулланмоқда,

Шунингдек, сайловчиларнинг Стекольная кўчасидаги аҳолини сув билан таъминлаш тўғрисидаги наказлари ҳам бажарилмаган.

Сайловчилар ёғ заводи ишчилар шаҳарчасини ободонлаштириш, шаҳарда пионерлар клубини очиш, аҳолини жамоат ишларига жалб этиш мақсадида ҳамма сайловчиларнинг йиғилишини ўтказиш тўғрисида ўз депутатларига янги наказлар бердилар.

Гишт, консерва заводларида Янги ҳаёт маҳалласида бўлиб ўтган депутатларнинг сайловчилар билан бўлган учрашувлари ҳам юқори савияда ўтди. Сайловчилар сўзга чиқиб депутатларнинг омма билан алоқаларини янада мустаҳкамлаш зарурлиги ҳақида гапирдилар.

С. УСМОНОВ,
Ҳ. УРАЛИЕВ.

Студентлар ётоқхонасида тартиб ўрнатилсин

Шу кунларда Ўрта Осиё Политехника институти сиртдан ўқувчилар ва сиртқи бўлимга кирувчилар ҳамда институтга кириш имтиҳонлари топшириувчилар билан гавжум. Институтга республикамизнинг ҳамма шаҳарларидан ўқувчилар келишган. Улар учун полиграфия кўчасидаги 2- ётоқхонадан жой ажратилган. Лекин, ётоқхона талабга жавоб бермайди. Ётоқхона ҳовлисига кроватлар тартибсиз ҳолда қўйилган, ётоқхоналарда санитария қоидаларига риоя қилинмайди. Стол-стуллар етишмайди, борлари ҳам ишга яроқсиз аҳволда.

Санитария-гигиена комиссиясининг аъзоси, геология факультетининг III курс студенти Жумаев май ойидан бери бир марта ҳам хоналарга кириб, тозаликни текширмаган. Хонада радио бузуқ, пол ювилмаган. Уборщица 2 кунда бир марта полни ювиш ўрнига, ҳафтада бир марта ҳўл латта билан полни пала-портиш артиб кетади.

Ётоқхонадаги ўқиш зали ҳам студентлар талабига жавоб бермайди. Студентлар керакли китобларини вақтида ололмайдилар. Студентлар советининг раиси, IV курс студенти Жеримбетов бу аҳволни кўра-била туриб, шу пайтгача индамай келмоқда.

Ётоқхонанинг комендант вазифасини олиб бораётган Федор Яковлевич Шевельев студентларнинг бир неча бор қилган арзларини оқибатсиз қолдирди.

Институт дирекцияси, партия ва комсомол комитети раҳбарлари ётоқхона аҳволидан қачон хабар оладилар?

И. ИКРОМОВ,
V курс студенти.

Василий Хандаков масъулиятни қачон сезади?

Василий Хандаковнинг иш жойи — Оққўрғон районидаги Алимкент қишлоқ Советининг радиоузели, касби — радиотехник. Алимкент қишлоғи кун сайин обод бўлиб, янги-янги уй-жой бинолари кўпаймоқда. Бу биноларга аҳоли кўчиб кираётир. Лекин, уйларга радиоточка ўрнатиш қийин бўлаяпти.

Ворошилов номли колхознинг «Сталинобод» участкасида яшовчи аҳоли уйларга радио туширib беришни сўраб Хандаковга қатнайверiб чарчади.

Хандаков бу участка унга қарашли бўлишига қарамай, кўпчилик илтимосини рад қилмоқда. Яқинда шу участкада яшовчи Бузгинов, Усмонов, Алиев, Назимов, Мажидов каби 10 га яқин колхозчилар Хандаковга:

— Радиоқарнай ва унга керакли ҳамма нарсаларни тайёрлаб қўйдик, фақат уйимизга радио сими тортиб берсангиз бас, ҳақ ҳам тўлаймиз,— деб қанчалик илтимос қилишмасин, Хандаков: «Сизларнинг участкангизга боришдан бошқа ишим йўқми?» — деб дўқ қилди.

Колхозчилар унинг бу жавобидан ранжиб, район маданият бўлимининг мудири ўртоқ Михайловга арз қилишди. Ўртоқ Михайлов ҳам уларнинг арзини оқибатсиз қолдирди.

Колхозчилар яна кимга арз қилишлари керак?

М. ОЙДИНОВ.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Социалистик революция ҳақидаги ленинча назария

Революцион таълимот — марксизм тараққиётининг бутун бир даври, пролетариат ва барча мазлум омманинг капиталистик қуллиққа қарши озодлик курашидаги бутун бир тарихий босқич улуғ Ленин номи билан чамбарчас боғлангандир.

В. И. Ленин генийси бунёдга келтирди, марксизм-ленинизм ҳазинасини ғоят кўп даражада бойитган бебаҳо дурдоналарнинг бири ленинча социалистик революция назариясидир. Россия ва халқаро оппортунизмга қарши тинимсиз курашларда ишлаб чиқилган, СССРдаги коммунистик қурилиш ҳамда Европа ва Осиёнинг халқ демократияси мамлакатларидаги революцион ўзгаришлар тажрибасида синовдан ўтган бу назария эндиликда барча қардош коммунистик ва ишчи партияларининг жанговар кураш байроғи бўлиб қолди.

Социалистик революция тўғрисидаги идеяни биринчи марта илмий коммунизм асосчилари Маркс билан Энгельс баён қилиб бердилар. Улар капитализм муқаррар ҳалокатининг моддий негизи ўша жамиятнинг иқтисодий тараққиёти эканлигини исбот қилиб бердилар; бу тараққиёт ички ва ташқи зиддиятларни кескинлаштиради, меҳнат билан капитал ўртасидаги муросасиз курашни авж олдириб юборади. Маркс билан Энгельс ҳар қандай социал революция сингари пролетар революциясининг асоси ҳам ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқарувчи кучлар характерига мувофиқ келмаслиги, улар ўртасидаги ўткир конфликт эканлигини зўр далиллар билан кўрсатиб бердилар. Пролетар революцияси эски, капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларини тугатиб, улар ўрнига янги, социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини вужудга келтиради. Шу билан бирга Маркс ва Энгельс янги жамият барпо қилишда ишчилар синфининг тарихий роли, пролетариат диктатураси, деҳқонларнинг революция гегемони — ишчилар синфининг табиий иттифоқдоши эканлиги, пролетариатнинг сиёсий партияси тўғрисидаги умумий қоидаларни баён қилиб бердилар. В. И. Лениннинг буюк хизмати шундаки, у Маркс билан Энгельснинг социалистик революция назариясидир. Россия ва халқаро оппортунизмга қарши тинимсиз курашларда ишлаб чиқилган, СССРдаги коммунистик қурилиш ҳамда Европа ва Осиёнинг халқ демократияси мамлакатларидаги революцион ўзгаришлар тажрибасида синовдан ўтган бу назария эндиликда барча қардош коммунистик ва ишчи партияларининг жанговар кураш байроғи бўлиб қолди.

Социалистик революция тўғрисидаги идеяни биринчи марта илмий коммунизм асосчилари Маркс билан Энгельс баён қилиб бердилар. Улар капитализм муқаррар ҳалокатининг моддий негизи ўша жамиятнинг иқтисодий тараққиёти эканлигини исбот қилиб бердилар; бу тараққиёт ички ва ташқи зиддиятларни кескинлаштиради, меҳнат билан капитал ўртасидаги муросасиз курашни авж олдириб юборади. Маркс билан Энгельс ҳар қандай социал революция сингари пролетар революциясининг асоси ҳам ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқарувчи кучлар характерига мувофиқ келмаслиги, улар ўртасидаги ўткир конфликт эканлигини зўр далиллар билан кўрсатиб бердилар. Пролетар революцияси эски, капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларини тугатиб, улар ўрнига янги, социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари тизимини яратиб, буржуа-демократик революциянинг ўсиб социалистик революцияга ўтиши тўғрисидаги назарияни яратди. 1905—1907 йилги биринчи рус революциясининг Ленин кўрсатиб ўтган асосий хусусияти шундан иборат эдики, бу революция империализм шароитида, буржуа жамияти икки муросасиз лагерга: контрреволюцион кучга айланган буржуазияга ва мустақил сиёсий куч бўлиб етишган пролетариатга ажралиб кетган шароитда бўлиб ўтди. Жамиятнинг энг революцион синфи, яъни самодержавие-помещиклар тузумини тугатишдангина эмас, шунингдек капитализмни тугатишдан ҳам манфаатдор синфи бўлган пролетариатгина бу революциянинг раҳбари ва гегемони бўлиши мумкин эди. В. И. Ленин меньшевикларнинг, пролетариат бевосита социализм учун кураш давридагина гегемон бўлиши мумкин, деган жуда зарарли даъвосини улоқтириб ташлаб, империализм давридаги ҳар қандай халқ революциясида ишчилар синфининг раҳбарлик роли зарур эканлигини илмий равишда исботлаб берди. Буржуа-демократик революцияда пролетариатнинг гегемонлиги тўғрисидаги, ишчилар синфи билан деҳқонларнинг либерал-монархиячи буржуазияни яккалаб қўйишни назарда тутган иттифоқи тўғрисидаги ленинча ғоя буржуа-демократик революция даврида пролетариат тактикаси масалаларини юзасидан янги установка бўлди. В. И. Ленин, пролетариатнинг буржуа-демократик революциядаги пролетариат билан деҳқонлар иттифоқига таянган гегемонлиги унинг социалистик революциядаги пролетариат билан камбағал деҳқонлар ва шаҳар ярим пролетар табақалари иттифоқига таянган гегемонлигига ўсиб ўтиши керак, деб кўрсатди. **«Пролетариат,** — деб ёзган эди В. И. Ленин, — **самодержавиенинг қаршилигини куч билан янчиб ташлаш ва буржуазиянинг беқарорлигига барҳам бериш учун деҳқонлар оммасини ўз ёнига олиб, демократик революцияни охиригача етказиши керак. Пролетариат буржуазиянинг қаршилигини куч билан синдириш, деҳқонларнинг ва майда буржуазиянинг беқарорлигига барҳам бериш учун аҳолининг ярим пролетар элементлари оммасини ўз ёнига олиб, социалистик ўзгариш қилмоғи лозим».** (Асарлар, 9 том, 96 бет).

В. И. Ленин томонидан биринчи рус революцияси даврида ишлаб чиқилган социалистик революция назариясида бир мамлакатда социализм ғалаба қилиши мумкинлиги тўғрисида хулоса йўқ эди, лекин унда вақти келиб ана шундай хулоса чиқариш учун барча ёки қарийб барча элементлар мавжуд эди.

В. И. Ленин империализм даврида капитализмнинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан нотекис ривожланиш қонунини кашф этиб, социализмнинг алоҳида олинган бир мамлакатда ғалаба қилиши мумкинлиги тўғрисидаги доҳиёна хулосасини майдонга ташлади ва уни асослаб берди. Социализм барча мамлакатларда бир вақтда ғалаба қила олмайди, у дастлаб битта ёки бир нечта мамлакатда ғалаба қилади, деб кўрсатди Ленин. Ўзи 1915 йилда баён қилиб берган бу ғоят буюк кашфиёт билан В. И. Ленин социалистик революциянинг янги назариясини узил-кесил ишлаб чиққан эди. Социалистик революция тараққиёти ва айрим мамлакатларда социализм ғалабаси масалаларини янгича ҳал қилган ленинча социалистик революция назарияси коммунистик партиялар раҳбарлиги остида ўз социал ва миллий озодлиги учун курашаётган барча мамлакат пролетарлари ва меҳнаткашлари қўлига ўткир қурол берди.

Миллий масала ленинча социалистик революция назариясида ғоят муҳим ўрин эгаллади. В. И. Ленин, социалистик революция капитализм ривожланган мамлакатлар пролетариатинг ўз миллий буржуазиясига қарши курашидангина иборат бўлиб қолмай, шунингдек империализм асоратн остидаги барча мустамлака ва қарам мамлакатларда халқаро империализмга қарши курашдан ҳам иборат бўлажагини кўрсатиб берди. Коммунистик партия бу ленинча қоидага қатъий амал қилиб, чоризмга қарши, сўнгра — буржуазияга қарши курашда мамлакатимизнинг собиқ мазлум миллат меҳнаткашларини ишчилар синфи томонига ўтказиб олиш йўлида барча тадбирларни амалга оширди. Партиянинг ленинча тўғри миллий сиёсати мазлум миллат меҳнаткашлар оммасининг ишонч ва муҳаббатига, қизғин қўллаб-қувватлашига сазовор бўлди, уларни партиямиз томонига ўтказиб олишни таъминлади. Бу эса Улуғ Октябрь социалистик революциясини амалга оширишда жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

Социалистик революциянинг бош масаласи — ҳокимият тўғрисидаги, ишчилар синфи диктатураси тўғрисидаги масаладир. В. И. Ленин Маркс билан Энгельс таълимотига таяниб, рус ва жаҳон революцион ҳаракати тажрибаси асосида пролетариатнинг революцион диктатураси бўлмай туриб, капитализмдан социализмга ўтиб бўлмаслигини исботлаб берди. «Бу давр, — деб ёзди В. И. Ленин, — муқаррар равишда мисли кўрилмаган қаттиқ синфий кураш давридан, бу курашнинг мисли кўрилмаган кескин формалари давридан иборатдир, демак, бу даврнинг давлати ҳам муқаррар равишда (пролетарлар ва умуман камбағаллар учун) **янгича** демократик ва (буржуазияга қарши) **янгича** диктатор давлати бўлмоғи лозим (Асарлар, 25 том, 454 бет). Капитализмдан коммунизмга ўтишда, албатта, жуда ҳам кўп ва ҳар хил сиёсий формалар бўлмасдан иложи йўқ, деб таълим берган эди Ленин, лекин буларнинг моҳияти муқаррар равишда битта: **пролетариат диктатураси** бўлади.

В. И. Ленин турли тарихий даврларда социалистик революция ғалабасини таъминлаш учун ишчилар синфи партияси амалга оширадиган тактик йўл тўғрисида фикр юритганда догмага асосланмади, ўз кучини йўқотган шиорларга ёпишиб олмади, балки ҳаётнинг талабларига асосланиб иш кўрди. В. И. Ленин даврнинг шиорларини, синфий кучларнинг реал нисбатини аниқ ҳисобга олди, бу нисбатларнинг янада ривожланиш тенденцияларини чуқур тушуниб ифодалаб берди.

Партиямизнинг шонли XX съезди ленинча социалистик революция назариясини қоидаларига таянгани ҳолда мамлакатимиз ҳамда жаҳон тараққиётининг сўнгги тажрибаси асосида бу назарияни янада ривожлантирди ва бойитди. Ҳозирги даврда айрим мамлакатларда социалистик революциянинг тинч йўл билан ривожланиши мумкинлиги тўғрисида съезд баён қилган қоида ленинча социалистик революция назариясини чинакам ижодий ривожлантириш, марксизм-ленинизм буюк ҳазинасига ғоят катта ҳисса қўшиш бўлди.

Инсоният тарихида социализм ва коммунизм даврини очиб берган Улуғ Октябрь социалистик революцияси шонли 40 йиллигиқ яқинлашиб келаётган ҳозирги пайтда бутун совет халқи, халқ демократияси мамлакатлари ва бутун дунё меҳнаткашлари социалистик революциянинг гениал назариётчиси ва стратеги Ленин номини яна қайта-қайта ёд қилмоқдалар. В. И. Лениннинг: бизнинг йўлимиз — тўғри йўл, чунки у эртами ёки кечми бошқа мамлакатлар ҳам муқаррар равишда тушиб оладиган йўлдир, деб айтган сўзлари бутун жаҳон бўйлаб янада кучлироқ жарангламоқда.

Ана шундай ажойиб бир замонда Ленин тузиб берган бизнинг партиямиз монолит яхлит бўлиб, жуда катта ижодий активликка ва жанговарлик қобилиятига тўлиб-тошиб турибди. Бутун совет халқи Ленин партиясини чексиз муҳаббат ва садоқат билан қўллаб-қувватламоқда. Партиямиз ўз XX съезди белгилаб берган йўлдан огишмай олга бориб, Ватанимизни янада гуллаб-яшнатиш учун, халқлар ўртасида тинчлик бўлиши учун, мамлакатимизда коммунизм тантана қилиши учун курашда бундан буён ҳам Ленин байроғига тўла содиқ бўлиб қолади.

С. НОСИРХЎЖАЕВ.

Ҳар туп ғўзада 10-12 тадан кўсак бўлиши учун августда астойдил ишлайлик!

ПАХТА ДАЛАЛАРИНИНГ ИЛҒОР КИШИЛАРИ

Буларни Гулистон ва Верхне-Волинск районида ҳамма ҳурмат қилади. **Суратда:** (чапдан ўнгга) Верхне-волинск районидаги «Социализм» совхозининг бригада бошлиғи ўртоқ **Н. Хусанов.** Унинг бригадаси гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқда. Гулистон районидаги «Красная заря» колхозининг ёш ва уста сувчиси **А. Худойқулов.** У ғўзалар ўз вақтида сифатли суғорилишини таъминлаётир. Шу колхознинг химизатори **А. Довурбоев.** У бир туп ғўзанинг ҳам зарарланишига йўл қўймайди. Верхне-волинск районидаги «Социализм» совхозининг универсалчиси **У. Азизов.** У ҳар куни культивация нормасини 1,5-2 ҳиссага етказиб бажаради. Шу райондаги Куйбишев номли колхознинг универсалчиси **А. Қўзибоев.** Ҳозиргача у 1000 гектар ердаги ғўзани культивация қилиб берди. **М. Шевелев** фотолари.

Мўл ҳосил калити шулар қўлида

Тун. Поёнсиз пахтазорлар сокин нафас олади. Даланинг аллақаерида ярқ этиб ёруғлиқ сузиб ўтади, яна ғойиб бўлади ва яна кўринади. Сал ўтмай ўша томондан қўшиқ овози эшитилади. Сувчи тунда пахтазорнинг гаштини сурапди. У эгатларга тараб қўйилган, ойдин кечада кумуш тасмадек ғўза қаторлари оралаб синғиб кетаётган сувнинг жилдирашидан, тошфонар ёруғида кўзга ташланаётган ғўза тупларидаги шовдир-шовдир кўсакдан завқланаётгандир. Кишининг меҳнати сингган жой чиройли кўринади. Зотан далага хусн киритиш — деҳқоннинг касби.

Сувчи дала айланиб юраркан ўхтин-ўхтин энгашиб, чўққайиб ашулани хиргойига айлантирар, қатор бошига илиниб қолган хас-чўпни қўли билан силириб ташлаб сувга йўл очиб берарди. У карта бошида юриб сувнинг келишини, оралашини кузатса, дала охирига тушиб сувнинг қандай сингаётганлигини кўзда кечирарди. Сувчи бир томчи сувнинг ҳам қадрига етар, ғўза таначи олган сув кўсакни тўлдиришини, шонани гулга айлантиришини, шохлар бўғинидан янги шоналар чиқаришини биларди.

—Ерга ғўғ соламиз, ғўзани чопамиз, культивация қиламиз, шуларнинг ҳаммасини юзага чиқарадиган, ҳосилга айлантирадиган сув-да, — дейди Ўртасарой районидаги «XX партсъезд» колхозининг сувчилари.

Биз улар билан тунда, пахта даласида суҳбатлашдик. Уйқисизликданми, намликда кўп юрилганданми хар қалай уларнинг овози бироз бўғиқ эшитиларди. Кечани бедор ўтказаётган Жумабой Умаров ҳам, Камолхон Валихонов ҳам кечаги сувчи эмас. Улар вояга стибдики, сув қўяди, пахта етиштиради.

—Касбини хушламаган кишининг ишида барака бўлмайди, оғайни, дейди улар, — бир кун далани кўрмасак бир нимасини йўқотган кишидек бўлиб қоламиз...

—Пахтазорнинг гашти шунақаси, юракка ғайрат, билакка қувват ато қилади, —раис уларга қўшимча қилади.

Тунда шарафли меҳнатлари билан граммларни центнерларга айлантириш, центнерлардан тоннадар ҳосил қилиш учун курашаётган, кўпчилик меҳнатини юзага чиқариш ҳаракатида юрган, бир кун эмас, ғўза тўрт эллик бўлгандан бери ёзнинг узоқ кечасини бедор ўтказаётган шу фидокор сувчиларни ҳамма ҳурмат қилди. Шунинг учун улар:

— Мўл ҳосилнинг калити энди сувчилар қўлида, — дейдилар.

— Биз кўпчиликнинг ишончини оқлаймиз, улар ишониб бизга ҳосил калитини топширган экан, далаларда «оқ олтин» конини очиш учун чарчамасдан ишлаймиз ,— дейдилар сувчилар.

Колхозда Ваҳоб Носиров, Югай Константин, Исабой Бегимқулов синтари сувчилар кечаси сув тутиб августда кўсакларни семиртириш, кўпайтириш йўлида хормай-толмай меҳнат қилаётган азаматлардандир.

Тунда Ўртасаройнинг кўпгина колхозларида бўлдик. Ҳовузларни тўлгазиб турган ерости сувини тортиб олаётган насослар кеча жимлигини бузиб тўхтовсиз ишлайди.

Район колхозларида ҳар бир томчи сувнинг пахта далаларига оқиши учун курашаётган кишилар билан бирга, ҳосил тақдири ҳал қилинаётган ҳозирги пайтда ўз вазифасини яхши бажармаётган кишиларни ҳам кўрдик. «Гулистон» колхозининг раиси ўртоқ Цой нормадаги сувни олаётган бўлса ҳам, «колхозимизда сув етишмаяпти» деб қолиди. Ҳақиқат шуни кўрсатдики, колхозда сув етарли. Аммо дна шу сувни ўз вақтида, керакли далаларга қўйиш қоникарсиз ташкил этилган. Колхозда, айниқса тунги суғориш устидан контроллик йўқ. Колхоз раисидан бошлаб қолган ҳамма раҳбарлар кечаси далаларни айланиб кўрмайдилар. Шунинг учун сувнинг бир қисми бошқа экинларга кетаётир ёки ариқда бекорга оқиб ётибди.

Райондаги Будённий номли, Сталин номли колхозларнинг раҳбарлари ҳам тунги суғоришга эътиборни кучайтиришлари, бир томчи сувнинг ҳам нобуд бўлишига йўл қўймаслик режаларини тузишлари, ҳосилга-ҳосил қўшишда сувнинг роят аҳамиятли эканлигини унутмасликлари керак.

Янгийўл ва Оржоникидзе район пахтакорлари мўл ҳосил етиштиришда намуна кўрсатадиган уста пахтакорлар ҳисобланади. Ана шу районларнинг жуда кўп колхозларида областгагина эмас, ҳатто республикамизга донги кетган мирзакор сувчилар бор. Янгийўл районидаги Ворошилов номли колхознинг отоқли сувчиси мархум Назарали Ниёзовнинг жуда кўп шогирдлари пастибаланд ерлардаги ғўзага сув тарашда ҳар бир кишига ҳам намуна бўла оладилар.

Афсуски, уста сувчилар макони бўлган Янгийўлда мана бугунга келиб сув қўйиш қоидалари бузилаётганлигини, ғўзалар чанқаб қолаётганлигини эшитиб, кўриб турибмиз.

Тўғри, Навоий номли, Петров номли колхозларнинг пахта далалари пасти-баландликлардан иборат, сув қўйиш бирмунча қийин. Лекин шу колхозларда сувдан тежаб-тергаб фойдаланиламаётганлиги, айрим ҳоллларда ғўзани суғориш учун берилган сув томорқаларга, кўчаларга оқиб ётганлиги кимни ажаблантирмайди?! Навоий номли колхознинг мироби Ёқуббеков, магазин қоровули Қобилов, сувчи Саматовларнинг сабзи-пиёзи қониб сув ичяптику, аммо колхоз ғўзаси сувдан қолиб шонасини, гулини, ҳатто кўсагини тўкиб юбормоқда.

Ҳосил тақдири ҳал қилинаётган кезларда сувни қўйиб, чеккага чиқиб ухлаб ётган кишиларни ҳам учратасиз. Улар билмайдиларки, сувнинг уриб кетиши, тупроқни ялаб, ғўзанинг илдизини очиб кетиши— натижада ҳосилга зарар етказиши мумкин. Янгийўл районидаги Петров номли колхознинг 2-бригадасида ишлаётган сувчи Тошноров шундай қилган, сувни қўйган-у, уйқига кетган. Тепаликдан тушаётган сув жуда кўп ғўзанинг илдизини очиб, экинни нобуд қилган.

Тунги суғориш, сувни тежаб-тергаб сарф қилиш шу райондаги «Москва», Фрунзе номли, «Коммунизм», Свердлов номи, «XIX партсъезд» колхозларида ҳам яхши эмаслиги район раҳбарларига маълум бўлса керак?!

Оржоникидзе районидаги «Ленинград», Сталин номли, Охунбобоев номли, «Қизил Ўзбекистон» колхозларида сувнинг бекорга оқиб ётганлиги ёки исроф қилинаётганлиги, эгатлар охири қониб сув ичмаётганлиги маълум бўлди. Бу колхозларнинг раҳбарлари августда нима қилиш кераклигини, ҳозирги пайтда ғўзани кеча-кундуз қондириб суғориш мўл ҳосил тўплашда ҳал қилувчи шарт эканлигини жуда яхши биладилар-у, бироқ шунга амал қилмаётирлар.

Пахтачилик соҳасидаги тажрибани тўла амалга ошириб, август ойида ҳам июлдагидек астойдил меҳнат қилсакгина мўлжалдаги пахтани етиштирган бўламиз ва 3 миллионли катта хирмонга муносиб ҳисса қўшамиз.

Ҳар бир колхоз ва совхозда суғоришни, айниқса тунги суғоришни тўғри ташкил этиб, бу иш устидан ҳамавақт назорат қилиб турайлик!

С. МАҲКАМОВ.

Август—ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой

Тошкент область пахтакорлари бу йил давлатга камида 500 минг тонна пахта етиштириб бериш, ҳосилдорликни колхозлар бўйича 27,2 центнерданга, совхозлар бўйича 24,1 центнерданга етказиш юзасидан ўз зиммаларига социалистик мажбуриятни олганлар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг «1957 йил август ойида ғўза парваришини ўтказиш ҳақида» деб чиқарган қарорида кўрсатилганидек ҳар туп ғўзада камида 10 тадан тўқ кўсак етиштириш учун ғўза парваришини 20-25 августгача давом этдириш керак. Шу 10 тадан кўсакни асосан ғўза тупларининг пастдан 6-8-ҳосил шохларида олдириш зарурлигини, юқори сифатли пахталар шу шохлардаги кўсаклардан териб олинишини унутмаслик лозим.

Июль ва август ойларида сифатли парвариш қилинган ғўзаларда ҳосилнинг, кўп қисми пастки ва ўртадаги шохларда тўпланиши ҳар бир кишига маълум. Шундай далаларда пахта барвақт очилади ва сентябрнинг иккинчи ярмида ва октябрнинг биринчи ярмида терим суръати кучаяди. Агар шу шартларга амал қилинса ноябрнинг бошларида пахтанинг 90 процентини йиғиб-териб олиш ва давлат қабул пунктларига биринчи сорт билан топшириш мумкин бўлади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг юқорида айтиб ўтилган қарорида республикадаги кўпгина колхоз ва совхозлар июлда ҳар бир туп ғўзада 6-7 тадан кўсак ҳосил қилиш тўғрисидаги топшириқни тўла бажараолмаганликлари кўрсатилади.

Шунингдек бизнинг областда ҳам бу топшириқ тўла бажарилмади. 1 августгача ҳар туп ғўзада фақат 3-3,5 тадан кўсак ҳосил қилинди. Шунинг учун августда барча колхоз ва совхозларда ғўза парваришини кучайтириш, шу давр ичида ҳар туп ғўзада қўшимча равишда 6-7 тадан кўсак бўлишини таъминлаш талаб қилинади. Бу топшириқ августнинг биринчи ярмида бажарилиши зарур.

Ҳисоблаб чиқилганда шу нарса аниқ бўлдики, социалистик мажбуриятни бажариш учун июль ва август ойларида ўрта ҳисоб билан ҳар туп ғўзада камида 9-10 тадан кўсак бўлишини таъминлаш керак экан.

Ер шароитига қараб колхоз, совхоз, бригада, звено ва айрим далаларда ғўза тупларининг қалинлигини ҳисобга олган ҳолда ҳар туп ғўзада қанчадан кўсак бўлишини ҳисоблаб чиқиш, шундан кейин колхоз, совхозларга топшириқ бериш лозим.

Ҳосилга-ҳосил қўшиш тўғрисида топшириқ берганда қуйидаги маслаҳатларга амал қилса бўлади.

Ғўзаси умуман нормал ривожланаётган, белгиланган миқдорда ғўза туплари ўстирилаётган (ҳар гектар ерда 80 минг ва ундан ортиқ ғўзаси бўлган) гектаридан 25 центнердан ҳосил етиштириш мўлжалланган далаларда август ойи охиригача ҳар туп ғўзада 8-9 тадан кўсак бўлишига эришиш керак. Худди шундай далаларда, лекин гектаридан олинадиган ҳосил 30 центнердан белгиланган жойларда ҳар туп ғўзада 10 тадан кўсак бўлиши, ҳосилдорлик гектарига 30 центнердан планлаштирилган жойларда эса камида 11-12 тадан кўсак бўлишини таъминлаш вазифасини қўйиш ўринлидир.

Сирдарё, Гулистон, Октябрь, Бекобод, Бўстонлиқ районларига ва бошқа кўпгина районлардаги колхозларнинг қатор бригадаларида олинган ҳосилнинг кўплаб тўкилиб кетаётганлиги, шу билан бирга ғўзанинг сийрак бўлиб қолганлиги маълум бўлди. Бу жойларда ҳар гектар ерда 50-70 мингдан ортиқ кўчат ўстирилмаётир. Шундай далаларда ғўза тупларида олдириладиган ҳосилни 20-25 процентга кўпайтириш талаб этилади.

Шу нарсага эътибор бериш керакки, ҳосил тўплаш тўғрисида топшириқ берилаётганда ғўзаси ривожланишдан қолаётган далаларни ажратган ҳолда кўрсатиш керак. Маълумки, шундай далаларда пахтанинг анча кеч пишиши мумкин. Лекин ғўза парваришн талабга мувофиқ ўтказилса, шундай далаларда ҳам ҳар туп ғўзада 6-8 тадан кўсак бўлиши мумкин.

Ғўза тупларидаги кўсакнинг қанчалигига қараб ҳосил тўпланганлигини аниқ белгилашга ўрганиш зарур. Бригадирлар, колхозларнинг раҳбарлари, ҳатто агрономлар ана шу нарсани ҳисобга олиш вақтида ғўзанинг ташқи кўринишига қараб ҳосилнинг қанчалигини нотўғри аниқлайдилар ва оқибатда ҳисоблан адашилади.

Ҳар туп ғўзадаги кўсакни тўғри ҳисобга олиш, мўлжалдаги ҳосил етишган ва етишмаганлигини белгилаш учун даланинг ғўзаси бир текисда ўсган бир неча жойидан 10 метрдан ўлчаб шу ерлардаги кўсакни ва ғўза тупларини санаб чиқиш керак.

Шу бўлаклардаги ғўза туплари ва кўсак алоҳида санаб чиқилади. Белгиланган жойларда ўлчалгандан кейин ҳисобга олинган ғўза туплари ва кўсак сони жамланиб кўрилгач, шу ерда қанчадан ғўза тупи бор ва шу ғўза тупларида нечтадан кўсак борлиги аниқланади. Масалан, ҳисобга олиш учун даланинг 6 ери 10 метрлик бўлакларга бўлинди, дейлик, шу жойда 285 туп ғўза бўлиб шуларда 1850 та кўсак бор экан. Демак шу пайкалда ҳар туп ғўзада 6,5 тадан кўсак бор, деб айтиш мумкин (1850: 285). Шундай ҳисобни август ойи давомида 2-3 марта қилиш, ҳосил қай аҳволда тўпланаётганлигини аниқлаб бориш талаб қилинади.

Ғўза тупларидаги ҳосилни ҳисобга олганда қуйидаги 2 қоидага тўла амал қилиш керак. **Биринчидан,** 15-20 кунлик бўлган тўқ кўсакларнигина ҳисобга олиш зарур. Кичкина кўсаклар ҳам ҳисобга олинса, у парвариш ёмонлиги туфайли тўкилиб кетиб, ҳисобдан адаштиради. **Иккинчидан,** ғўза тупларида ҳосил борми йўқлигига қарамасдан ҳисобга олавериш лозим.

Мўлжалдаги ҳосил борми йўқлигини ҳисобга олган вақтда кўсакларнинг ўртача оғирлигига эътибор берайлик. Маълумки, нормал ривожланган ғўза тупларидаги кўсакнинг ўртача оғирлиги 4-5 грамм бўлади. Кечикроқ бўлган ғўзалардаги кўсак оғирлиги 3,5-3,8 граммга тўғри келади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳосил тўплаш соҳасидаги асосий ишларни август ойида бажаришга тўғри келаётир. Августда ғўзанинг нормал ривожланиши учун тўла шароит яратиб бериш, далаларнинг ҳаммавақт унумдор, етарли даражада нам бўлиб туришини таъминлаш, ғўзанинг илдизига ҳаво кириб туришини нормаллаштириш ва экиннинг ёруғликдан яхши фойдаланишига эришиш жуда муҳим.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг қарорида жуда тўғри кўрсатилганидек, августда ғўза парвариши суръати ва сифатини сира бўшаштирмаслик зарур. **Шу давр ичида ғўзаларни икки марта узунасига ва бир марта кўндаланг культивация қилиш, бир ярим марта чопиқ ўтказиш ва ўтларни юлиб ташлаш керак. Августда ғўзани барги орқали озиқлантириш мўл ҳосил етиштиришда алоҳида аҳамиятга эга. Барча далаларда августнинг биринчи ўн кунлигидан кечиктирмай чеканкани тугаллаш талаб қилинади. Ғўзаси ривожланишдан қолаётган далаларни қўшимча озиқлантириш лозим.**

Августда ҳосил тўплашни намунали ўтказиш учун суғоришнинг тўғри ўтказилиши катта роль ўйнайди. **Шу ой давомида суғориш яхши ўтказилса, ҳосилнинг мўл бўлиши ва унинг эрта етилиши ҳаммага маълум.**

Ерда намнинг етарли даражада бўлишини таъминлаш учун суғориш билан ғўза парваришн соҳасидаги бошқа ишларни бир-бирига боғлаб олиб боришга алоҳида эътибор бериш керак.

Ҳосилга-ҳосил қўшиш ойлиги ўтказилаётган ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалик зараркунандаларига, айниқса ўргумчак канага қарши курашни кучайтириш жуда муҳимдир. Ўргумчак кана кўп тарқалаётган бу йилги шароитда бу ишнинг роят муҳимлигини унутмайлик.

Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига ва айниқса ўргумчак канага қарши кураш ўз вақтида сифатли ўтказилмаётган колхоз, совхозларда ҳосилнинг 30-40 процент атрофида камайиб кетиш хавфи борлигини эсдан чиқармайлик.

Оҳак, олтин гугурт қайнатмаси (ИСО) тайёрлашда асосий талабларга эътибор берилмаётганлиги учун ва бу соҳада контроллик бўлмаётганлиги сабабли далага сепилаётган дори зараркунандаларни батамом қириб ташламаётир. Бу камчиликларни тугатиш учун ҳар бир колхоз ва совхозда оҳак, олтин гугурт қайнатмасининг марказлаштирилган шароитда тайёрланиши ва бу иш устидан МТС, колхоз, совхозлардаги мутахассислар контроллиги кучайтиришлари керак. Агрегатларнинг тўғри ва талабга мувофиқ ишлашини таъминлаш учун уларнинг органлари қандай созланганини кузатиб туриш зарур. Токи дори ғўза баргларининг остки томонини намлайдиган бўлсин. Бу соҳада қишлоқ хўжалик мутахассисларининг роли роят каттадир. Мўл ҳосил тўплаш соҳасидаги асосий вазифаларни колхозчилар, МТС ва совхозларнинг ишчиларига тўла етказиш, ана шу вазифаларни муваффақиятли бажариш учун курашишдан кўра муҳимроқ вазифа йўқ эканлигини унутмайлик.

Агрономлар: **С. АКРАМОВ, А. СКЛЯРОВ, А. КОЛГИНА, И. ЮНУСОВ, Я. БЕРСУДСКИЙ.**

Моҳир механизатор

Ўртоқ Эргаш Ҳайитов 7 йилдан бери 2-«Далварзин» совхозида ишлайди. У квадрат-уялаб ўстирилаётган ғўзаларни узунасига ва кўндалангига сифатли культивация қилишда катта тажриба орттирган. Эргашнинг ҳамкасабалари унинг номини доим ҳурмат билан тилга оладилар.

Моҳир механизатор ҳар йили ҳам бир участкада ишлайди. Ана шу участкада юқори ҳосил етиштириш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. У, ўз агрегатидан тўла ва унумли фойдаланган ҳолда, пахтакорлар билан мустаҳкам ҳамкорликда ҳалол меҳнат қилиб, шу кунгача 117 гектар майдондаги ғўзани тўрт марта узунасига, уч марта кўндалангига сифатли культивациядан чиқарди.

Эргаш Ҳайитов хизмат қилаётган бригада ишчилари моҳир механизатордан бениҳоя миннатдорлар.

Е. ҲАСАНОВ.

Сатира ва Юмор

Эшагидан тўқими қиммат

Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр деганларидек, мулла Матқавул жилла ранжиганда, мирза Мирқобилнинг фиғони фалакка чиқиши турган гап. Бу икки шахс кўп йиллардан бери ораларидан қил ўтмайдиган оғайни.

Лекин кейинги кунларда бири оғир карвон, бири мисоли аланга, бу икки оғайни орасида гап ҳочиб қолди. Гап қочганда ҳам қандоқ денг, нақ бир умрга юз кўришмайдиган бўлиб кетишига сал қолди. Воқеа бундай юз берди: мирза Мирқобил оғайнисиникига келганда мулла Матқавул Тошкент область Статистика бошқармаси томонидан эълон қилинган 1957 йилнинг биринчи ярим йилида область колхозлари ўртасидаги сут соғиб олиш юзасидан социалистик мусобақа якунларини. кўздан кечириб ўтирган эди. Салом-аликдан сўнг мулла заҳархандалик билан:

— Зап колхозларимиз-у, зап раҳбарларимиз бор-да! — деди.

Мирза Мирқобил англамаган экан шекилли:

— Лаббай, нима дедингиз? — деб сўради.

Мулла индамай бюллетенни узатди. Мирза китобчани шошилмай варақлади. Баъзи жойларига келганда «ҳиҳ» деб қўйди, аммо Чиноз районидаги Шверник номли колхоз (раиси Норилдаев)нинг 6 ой давомида сигирлардан 171 килограммдан сут соғиб олганини кўргач, оёгига чўкир кирган кишидек ўзини қўярга жой тополмай қолди. Нега десангиз дўконларда сут камлигининг сабабини тушунолмай хуноб бўлиб юрган эди. Кўзлари пир-пираб, лаблари учди, қошлари ўртасида ёнғоқдек гурум пайдо бўлди.

Мулла дўстига ачиниб ичидан зил кетиб ўтирса-да, мирзанинг босилишини кутди. Бироқ мирза ҳовуридан тушиш ўёқда турсин, аксинча тепа сочи тикка бўлиб, тутила-тутила шундай деди:

— Ҳой, мул-ла, сизга... сизга жин-пин текканми... оламни сув босса тўпиғингизга чиқмайди-я. Менга қаранг, оғзингизга толқон солганмисиз? Нега индамайсиз?

— Нима деяй мирза, нега тутоқасиз. Мен раис ёки ферма мудири бўлмасам. Менга нега заҳрингизни сочасиз?

— Ия, ҳали бу гапингиз ҳам борми? Агар ўша раҳбарлар сизга ўхшаган тепса тебранмас, бегам бўлишмаганда кўп сут олинарди. Ахир сигир эчки эмаски, бир-икки стакандан сут берса.

— Мирза, ўзингизни босинг. Мана, — мулла китобчани олиб, Калинин районидаги Ворошилов номли колхозни кўрсатди, — бу ҳар сигирдан 2113 килограммдан сут олибди.

— Ўзингизни босинг? Саноқли? Мен бола эмасманки, қўлимга соққа бериб, ўйна десангиз. Қани бармоқларингизни ёзингчи! — мулла бармоғини ёзгач, мирза унинг жимжилоғини кўрсатиб: — агар ана шунга чипқон чиқса, бутун вужудингиз дард тортадими? — мулла ҳа ишорасини қилди. — Шу жимжилоғингиз ҳам бармоқларингизнинг биттаси, нега энди сиз бунақа колхоз саноқли дейсиз. Ҳа, ақлингиз ўтмаслашиб қолибди, мундоқ сал пешлатиб олинг...

Жанжал авжига чиқди... Мирзанинг кейинги гаплари мулланинг кўнглини наштар бўлиб тилдими, чўғ бўлиб жазиллатдими, туз бўлиб ачитдими, ҳар ҳолда ўрнидан ирғиб турди-да, чап қўлини биқинига тираб, ўнг қўлини шоп қилди, мирзага ўшқирди, ияги титраб, нордон гаплар билан тутун қайтарди...

Икки оғайни ҳар қанча талашиб-тортишмасин, барибир факт фактлигича қолар экан. Бюллетендаги рақамларни ўзгартириб бўлмайди. Модомики, Мирзачўл районидаги Хрушчев номли колхоз (раиси Пак Ир-Бек) сигирлари ярим йилда 188 килограммдан сут берган экан, нима ҳам дейсиз? Шу сигирларни «парвариш» қилган молбоқарлар, мудирман деб оғзидан кўпик сачратган ўртоққа, колхоз раҳбарларига бир жуфт қуллуқ-да! Сағрисидан офтоб урган, думидан тортсанг дўмбалоқ ошадиган сигирлардан челак-челак сут оламан деб хом таъма бўлманг! Шунинг учун колхоз сут маҳсулоти етиштиришда районда эмас, ҳатто областда ҳам қолоқликда иккинчи ўринни эгаллаганда!

Юқори Чирчиқ районидаги «Социализм» (раиси Ўтабоев), Бекобод районидаги «Красний хлопкороб», Хрушчев номли колхозларда (раислари Наширов, Абдуллаев) сигирларни челакка сғиш эсдан чиқиб кетганмиш десалар таажжубланманг, Бу колхозларда 198-242 килограммдан маҳсулот олингани сутнинг сопол товоқчага соғилишини кўрсатмайдими?

Бир районда бир хил шароитда яшаб, бир литр сут учун ҳар хил меҳнат кучи сарфланганига нима дейсиз? Агар бир литр сутнинг таннархи 7 сўмга яқинлашиб қолганини эшитсангиз, иштаҳангиз бўғилади, сут ичишнинг бахридан ўтгингиз келади. Ахир Пискент районидаги Охунбобоев, Андреев номли колхозлар (раислари Раҳмонов, Омонтоев) да бир литр сутнинг таннархи 6 сўм 45 тийин, 6 сўм 86 тийинданга тўғри келибди. 1956 йилда районда қорамолчиликка 1 миллион 939 минг сўм сарфланиб, 820 минг сўм даромад олинди. Эшагидан тўқими қиммат деб шуни айтадилар-да. Мулла Матқавул билан мирза Мирқобилни жанжалга солган, бошқаларни ҳайратда қолдирган нарса ҳам бюллетендаги рақамлару, оғзи карнай, ўзи бегам колхоз раҳбарларидир. Паловни ўрмалатган ёғ, маставага таъм киргизган қатиқ сигирдан олинади, сигирдан!

Сами РАҲИМ.

ИНТИЗОР ЭТДИ...

Шу йил 1 август куни Ўртоқ Скоков ҳайдаётган 10-автобус 7 минут ўрнига 45 минут деганда ишчилар шаҳарчасидан Эски Жувага зўрға етиб келди.

Янги шаҳарни Эски шаҳар билан боғлайдиган бу автобусни одамлар соатлаб кутади. Аммо Тошкент шаҳар 1-автобаза бошлиғи Ўртоқ Вартанянц негадир бу маршрутда ҳар куни 10 та ўрнига гоҳо 4 ва гоҳо 5 та автобусни қатнаштириш билан қаноат ҳосил қилмоқда. Айрим ҳайдовчилар истаган вақтида йўлда чойхўрлик қиладилар, сафсата сотиш билан овора бўладилар.

(Меҳнаткашлар хатидан).

Н. Меламед чизган расм.

Анча одам остановка олдида саф боғлаган,
Кўрпа-ёстиқ кўтариб қиш пайтини ҳам чоғлаган.
Баъзисида соябон бор, баъзисида сир лаган,
Кўзига дурбин тақилган пойлагани-пойлаган...
Эски Жува ўртасида беқарор этди дизель,
Кўзимизни йўлларига интизор этди дизель.

Айтадирлар: «Белгиланган нормадан машина кам»,
Бу муаммони ечиш осон, дедик майлига ҳам.
Бу қилиқ вақтни олар, қилгай кишига ҳам алам,
Ҳар замон чойхўрлик айлар йўлда ҳайдовчи акам.
Эски Жува ўртасида беқарор этди дизель,
Кўзимизни йўлларига интизор этди дизель.

Ҳар киши мўлжал олиб йўлга чиқар беқийлу қол,
Токи вақтида етиб олгай ишига бемалол.
Интизорлик торта-торта оқарар сочу-соқол,
Вақтида манзилга етмоқ, ҳайфки амри-маҳол.
Эски Жува ўртасида беқарор этди дизель,
Кўзимизни йўлларига интизор этди дизель.

Автобаза бошлиғи токай бу қолдан бехабар,
Бир келиб кўрсин кутувчи йўлчилар қандай кутар.
Ҳақли танқид сўзлари зора қилар унга асар.
Пўқса, бу аҳвол билан ёз ҳам ўтар, қиш ҳам ўтар.
Эски Жува ўртасида беқарор этди дизель,
Кўзимизни йўлларига интизор этди дизель.

М. ВАСФИЙ.

ЮЗСИЗЛАР

«Ўзбекистон хотин-қизлари» журналининг актив мухбири Ростон бувининг ҳикояларини кўп ўқиганмиз. У, журнал саҳифаларида босилган ҳикояларида кишилар онгидаги, муносабатидаги эскилик сарқитларини ва бошқа камчиликларни танқид қилади, улар устидан кулади.

Яқинда ҳурматли Ростон буви «Тошкент ҳақиқати» газета редакциясига келиб, бозорга борганлиги ва у ердаги чайқовчиларнинг ноинсофлиги, юзсизлигидан ниҳоятда ғалаб ўтганлигини айтди. Ростон буви шу чайқовчилар тўғрисида ўз журналига бир ҳикоя ёзган экан. «Лекин журналда босилиб чиқгунча анча вақт ўтади. Чайқовчилар кирдикори эса виждонимни азоблаяпти. Шу ҳикоямни кундалик газетада босиб чиқарсанглар» деб илтимос қилди Ростон буви.

Биз Ростон бувининг илтимосини қондириб, қуйида унинг ҳикоясини босиб чиқардик.

* * *

Кенжатой неварам Шарофжон билан акаси Баҳром бир кунда туғилган. Шунинг учун ҳам икковининг именинаси бир кунда ўтказилади. Икковига совға олиш керак. Нима олсам экан-а, деган ҳаёл билан магазинма-магазин юриб, икковига мос совға ахтара бошладим. Ахири, 120 сўмга Баҳромга «Любитель» деган фотоаппарат билан плёнка ва ҳоказолар олдим. Фото тўғарагига ёзилганига анча бўлган эди. Ҳар доим «фотоаппарат

Расм 1.

олиб беринг» деб дадасига тиқилинч қилиб юрарди. Энди роса севинадиган бўлди.

Энди Шарофжонга нима олсам экан? Шу бугун у уч ёшга тўлади. Айни юғуриб-елиб ўйнайдиган даври. Унга энг зарури ошиққина ботинка. Шундай деб ўйладиму, унга ботинка билан матросча костюм олмоқчи бўлдим, магазин кезишга тушдим. Ўзиям магазин ремаганингиз хил-хил шойилар, крепдешинлар, крепжоржетлар, ипак пайпоқлар, тайёр кийимлар, телевизорлар билан лиқ-лиқ тўлиб кетипти. Боринги, одамнинг жонидан бўлак ҳамма нарса бор десам янглишмайман. Матросча костюм билан жиянига «моряк» деб ёзиб қўйилган матросча шапкани топдиму, лекин ботинка йўқ. «Ростон бувимни нима жин урди, магазинда пойафзал қалашиб ётипти-ку» деб койманг тағин. Йўқ, мен пойафзалнинг ҳеч қанақаси йўқ экан, демоқчи эмасман.

Расм 2.

Пойафзал борликка бору, лекин кичкинтойларга лойиқи йўқ. Қайси магазинга кирмай: «ҳозиргина сотиб юбордик», «бир-икки кундан кейин келинг, яна мол оламиз», «кеча келсангиз бўлмасмиди?», «сал олдинроқ келганингизда-ку» дейишарди сотувчи қизлар ҳушмуомалалик билан.

Фотоаппаратни қўлимда осилтириб, қоғозга ихчамгина қилиб ўралган матросча костюмни қўлтиғимга қистириб, бир магазиндан чиқиб кетаётсам, кексагина хотин бир жуфт сандал кўтариб келаётипти. Сандал зарур эмасми денг, наҳ кўзимга олов бўлиб кўринди. Севинганимдан югургилаб ҳалиги кампир ёнига борипман.

— Айланай овсин, сандални қаердан олдингиз? Қайси магазинда бераётган экан? — деб сўрадим ҳовлиқиб.

Ҳалиги хотиннинг энсаси қотиб турган экан шекилли, қўли билан масжид жоми томонни кўрсатди-да:

— Магазиндан эмас, чайқов бозоридан олдим, — деди жаҳл билан.—Нимани бозори чаққон бўлса, чайқовчиларнинг қўлида. Икки баҳосига олипман-а. Магазинда, турса 21 сўм турар, уялмай-нетмай 55 сўмга пуллашди-я, ноинсофлар Зарур бўлгандан кейин олмай илож йўқ. Магазиндан қидириб топа олмаган нарсангиз шу ерда бўлар экан.

Чайқовга бордим: бояги хотиннинг аччиғланганича бор экан. Болалар ботинкасидан тортиб, қора муручгача чайқовчилар қўлида. Бир-икки бор бозорнинг у бошидан бу бошига бориб-келиб шундай фиғоним ошиб кетдики, асти қўяверинг. Рост-да, қачонгача бу чайқовчилар соғлом танага чиққан яралек дилимизни хира қилиб туришади! Қачонгача бизга ўхшаган ишчи ва хизматчиларнинг, колхозчиларнинг ҳалол меҳнат ҳақларига хиёнат қилишади, ноинсофлик, виждонсизлик устида боплаб суратини олмайсанми! Бу текинхўрларнинг кирдикорларини очиб ташламайсанми!» Шундай дедим-у фотоаппаратимнинг қопқоғини очиб, ана шу сумкасини биладигига осиб, бир жуфт болалар сандалини кўтариб, сизга қараб ўқрайиб турган жувон-

Расм 3.

нинг суратини олдим. Мен суратга олмоқчи бўлиб турганимда, у бир хотин билан талашиб-тортишиб савдо қилиб турган эди.

— Мунча назари паст хотинсиз, —дерди у сандални харид қилаётган кампирни авраб. — Бир сўмга ҳам шунча ота гўри қозихонами? Бир сўмга берса бир стакан писта беради...

— Ўзи инсоф борми сизда, болам. Ўн олти сўмлик нарсани ўттиз беш сўм дейсизу, яна бўш келмайсиз...

— Боринг бошқа инсофлисидан олақолинг!

Шу пайт мен аппаратни унга тўғриладим. (Расм 1). Жувон кампирнинг қўлидан сандални тортиб олди ва худди еб қўйгудек бўлиб менга ўқрайди. Ўзи ким экан дейсизми? Бу Хабиба Тожибоева деган жувон. Ўзининг дедг исми

Расм 4.

Хабиба бўлса ҳам чайқов бозорида уни Холида деб аташади. Хабиба Тожибоева ҳеч қаерда ишламайди, муттасил чайқовчилик билан шуғулланади. У олиб сотмаган нарса йўқ. Чой ҳам сотади, конфет ҳам сотади, мана энди кўриб турибсизки, сандалга ўтипти. Ишонсангиз Хабиба —Холида чайқовчилик билан 6-7 марта қўлга тушган, чайқовчилик билан иккинчи шуғулланмайман, деган тилхати ҳам кўп.

Мана бу кейинги уч суратга қаранг, булар ҳам ашаддий чайқовчи. Бу учовнинг исмини аниқлай олмадим. Лекин ҳурматли газетхон ичингизда уларни танийдиганлар бордир! Балким сизнинг маҳаллангизда туришар, балким қўшнингиздир? Агар учратиб қолсангиз, газетадаги суратини кўрсатинг, нафратингизни билдиринг. Гулдор кўйлак кийган бу хотин (расм 2) шойи рўмол сотаяпти. Бу рўмолнинг баҳоси давлат нархида 200 сўм, чайқовчи хотин уни камида 300 сўмга сотади.

Мана бу орқасини ўгириб турган далворсдек йигит ёнида олазарак бўлаётган жувон конфет сотаяпти. Буларнинг иккови ҳам текинхўр, жамият учун бир чақалик фойда келтирмайдиган унсурлар (расм3). Исҳоқ десангиз, чайқов бозорида уни танимайдиган одам йўқ. Яқинда у безорилиги учун

Расм 5.

ўн беш сутка қамалиб ҳам чиқди. Конфет сотаётган жувонга келсак, доим юрагини ҳовучлаб туради, ҳаммавақт ҳавотирда, кўзлари олма-кесак теради, чунки виждони нопок. Ипакфуруш жувоннинг бозори чаққон эди. У ҳатто суратга олгайимни ҳам сезмай қолди. (Расм 4). Исми-фамилиясини, уйи қаердалигини сўрасам, нах юмдалаб юборай деди. Майли, айтмаса-айтмай қўяқолсин. Унинг кимлигини мен билмасам сиз биларсиз, балким таниб тургандирсиз ҳам. Исмини айтса-айтмаса барибир энди текинхўрдик билан кун кўра олмайди. Нимагаки, жамиятимизда бундай текинхўрларга ўрин йўқ. Улар қилмишларига яраша жазо тортадилар.

Нарироқ борсам, сочи тақимига урган чиройликкина жувон сомса сотаяпти. Эгнида уйда кийиладиган гулдор халат, сомса солинган халтаси ифлос. Фотоаппаратни тўғрилаганимни кўриб, урра қоча бошлади. Мен уни, халтасини ерга отиб, қочиб кетаётганида суратга олдим (расм 5). Ўзи ким экан десам, Ҳусина Ҳожибоева деган жувон экан. Энди йигирма иккига кирипти. Буни қарангки, ўзи ёшгинаю, на бир жойда ўқийди, на ишлайди. Ҳалиги кексалар айтгандек оро йўлда қолган, на ҳудога чироқ ва на шайтонга косов. Уялмайсанми Ҳусина! Бирон артелга ёки фабрикага ишга кирсанг бўлмайдими? Ишласанг ҳурмат кўрасан, обрў топасан. Ишламасанг, текинхўрлик билан кун кўраман десанг, ана шундай шармисор бўласан. Яна ўйлаб кўр, қизим, ҳали ёшсан, тоғни урсанг талқон қиладиган пайтинг.

Сал нарироқ борсам, ҳўл мева бозоридан чиқиб қолдим. Тимнинг тагига кираверишда «Октябрь» кафесининг 2-лотоги ҳодими сомса сотаяпти. Энди ҳамёнимдан пул чиқариб, иссиққина сомсадан оламан деб турсам, лотокчи билан бир скамейкада пул санаб ўтирган хотинга кўзим тушиб қолди. «Ие, бу чайқовчиларнинг пири Мадина-ку!» — дедим ичимда У неча-неча йиллардан бери чайқовчилик қилади. Мадинанинг дастидан сариғ ёғ олиб сотиш ҳам, чой олиб сотиш ҳам қолмаган, ҳатто синкагача олиб сотган. Мана, ҳозир ҳам лимон билан сетка сотиб ўтиришти. Чайқовчининг энг уччига чиққани шу. У ёлғиз эмас, опаси ҳам бор. Опа-сингил — Гулсум билан Мадина қариб 15-16 йилдан бери чайқовчилик билан шуғулланади. Лекин неча бор чайқовчилик устида қўлга тушгани билан сувдан қуруқ чиққан ўрдакдек силлиққина қутилиб кетади. Мана, ҳозир ҳам мен сурат оламан деб аппаратни унга тўғриласам, бояги лотокчи йигит Ислом Илёсов Мадинанинг қўлидаги лимоннинг устини беркитди. (расм 6). Буни қарангки, Ислом совет савдоси ходими бўлатуриб, бир чайқовчига, ўзи ўтирган скамейкадан жой бергани етмагандек, унинг кирдикорларини яширмоқчи ҳам бўлди. Овора бўласан, Исломжон болам, сен Мадинанинг қилмишини яшира олмайсан. Чунки унинг жинояти катта. Сен унинг лимонини яширганинг билан яқингинада чайқовчилик устида қўлга тушиб, Шаҳар милиция бошқармасига олиб борилгани ҳаммага маълум! Сенинг бу қилғулигингни эшитишса, «Октябрь» кафесининг дирекцияси ҳам бошингни силамаса керак. Мадина билан Гулсумнинг чораси кўрилмай қолмайди.

Энди мана бу — бир тоғора нокни столга қўйиб, йиглаб ўтирган қизга қаранг (расм 7). Бу қиз Турсуной Усмонова. У энди ўн еттига кирди, Красний партизан кўчасидаги 111-ҳовли Турсунойларники. У бултур етинчи синфни битиргаиича олиб-сотарликка берилиб кетиб, мактабни ташлади, шуни колхозчилардан тар меваларни арзон баҳога сотиб олиб, устига нарх қўшиб сотишнинг пайига тушди. «Миясини қотириб» қўлиб юришдан кўра, осонгина пул топиб, қўша-қўша олтин узуклар тақиб юришни афзал кўрди. Энди суратини олаётганимни кўриб:

— «Родина» кинотеатри ёнига ойна тагига қўйишади энди суратимни, — деб йиглаб ўтиришти.

Менга қара, Турсуной! Кўй энди, бу ишингни ташла. Чайқовчилик сени яхшиликка олиб бормайди. Одам бўламан. ҳақиқий инсон бўламан десанг —ўқи, ишга кир, жамиятимизга фойданг тегсин. Ҳалқаки фойданг тегмас экан, нима қилиб инсонман деб юрибсан дунёда?!

Энди биз юқорида айтган текинхўрлар, юзсизларга нисбатан бундан кейин мурасасозлик қилиб тура олмаймиз. Яқинда республикамиз Олий Совети сессиясида ҳам бундай текинхўр, ишёқмас кишиларнинг қилмишлари кескин қораланди. Ҳатто сессияда «Жамият учун зарарли, текинхўр

Расм 6.

унсурларга қарши курашни кучайтириш тўғрисида қонун» ҳам тасдиқланди. Ҳозир давлат милиция органлари ана шу қонунга биноан чайқовчиларга ҳам қарши курашмоқдалар.

Лекин орамизда Ҳусина, Мадина, Исҳоқ, Гулсум ва Турсунойга ўхшаш меҳнаткаш халқ қонини туя қилиб юрган текинхўрлар ҳали ҳам бор. Ҳурматли газетхонлар, келинглар, шуларга қарши биргалашиб курашайлик, меҳнат билан топган ҳалол пулимиз чайқовчилар чўнтагини қаппайтирмасин! Шундай курашайликки, орамизда жамият учун фойда келтирмайдиган биронта ҳам одам қолмасин!

Расм 7.

Москвада, VI Жаҳон фестивалида

Фестивалнинг ҳар бир куни ёрқин, мароқли воқиалар билан нишонланмоқда. Бу воқиалар байрами кувноқ ва мазмундор қилиб, барча мамлакатларнинг ёшлари ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда, уларни бутун дунёда тинчлик учун курашга жипслаштирмоқда.

Дўстона учрашувлар

1 августда Болтиқ денгизи ҳавзасидаги мамлакатлар ёшларининг учрашувига Германия Демократик Республикаси, Германия Федератив Республикаси, Дания ,Норвегия, Польша, СССР, Финляндия ва Швеция ёшларининг вакиллари тўпландилар. Учрашув қатнашчилари қўшни мамлакатларнинг йигит ва қизлари ўртасида алоқалар ва дўстона муносабатларни янада кенгайтириш тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилдилар. Сўзга чиққан делегатларнинг ҳаммаси бир нарса ҳақида, у ҳам бўлса Болтиқ денгизи зонасини тинчлик ва дўстлик зонасига айлантириш учун нималар қилиш кераклиги ҳақида гапирдилар.

Совет делегати Эльмар Беман учрашув қатнашчиларига СССР ёшларининг Болтиқ бўйи мамлакатлари билан дўстлик алоқалари тўғрисида гапириб берди. Швеция делегациясининг вакили Рольф Утбарт Болтиқ мамлакатлари ёшларининг вакилларини келаси йил ёзда Швецияга келишга ва турист сайрларида қатнашишга таклиф этди. Германия Федератив Республикасининг вакили Викинг Церн учрашув қатнашчиларини табриклади.

— Биз Болтиқ бўйи мамлакатларидаги ёшларнинг турмуши билан қизиқамиз, — деди у, — ва ўзаро делегацияслар юбориб туришни истар эдик. Лекин, афсуски, ҳукуматимиз Жаҳон фестивали сингари улуғвор учрашувларнинг ўтказилишига қийинчиликлар туғдирмоқда.

Германия Демократик Республикасининг вакили Карл Намокель бундай деди:

— Кўп кишилар фестивалда нима учун икки немис делегацияси қатнашаётганлигини тушунмайди. Бу ҳақиқатан ҳам ғалати бир ҳол. Лекин бундан немис ёшлари ўзларини бирга деб ҳис қилмайдилар, деган маъно чиқмайди. Германиянинг ҳамма ёшлари ўз мамлакатининг бирлаштирилиши учун бутун дунё ёшлари олдида жавобгардир.

Финляндия делегациясининг вакили Анна-Лийса Тиекso-Исаксон янаги йил ёзда Болтиқ денгизи мамлакатлари болалар ташкилотлари ва муассасалари раҳбарларининг семинарини чақиришни таклиф этди.

Норвегия ёшларининг вакили Бэрит Хансен шимолий районлар — Норвегия, Швеция, Финляндия ва СССР ёшлари вакилларининг конференциясини чақиришни таклиф этди.

Учрашув қатнашчилари учрашувда қатнашган ҳамма мамлакатлар делегацияларининг вакилларидан иборат комиссия тузишга ва ҳамма таклифларни бирлаштиришга қарор қилдилар.

Голландия делегацияси индонезиялик йигит ва қизларни ҳамда Суринам вакилларини қабул қилди. Учрашув дўстона тусда ўтди, самимий ва астойдил суҳбатлар бўлди.

— Биз шу ерда бирга ўтирибмиз ва орамизда ишонмовчилик йўқ, — деди Голландия делегациясининг раҳбари Петер Буфей. — Биз ўз ҳукуматимиз сиёсатининг хато эканлигини тушунамиз. Биз унинг ҳозирги сиёсатини тинчлик ва дўстлик сиёсатига алмаштириш тарафдоримиз. Биз шуни ҳам тушунамизки, бизнинг делегациямизнинг ёлғиз ўзи ҳукумат сиёсатини ўзгартира олмайди, лекин биз ўз фикримизни, ўз идеяларимизни Голландиянинг ҳамма ёшларига, бутун халқига маълум қиламиз. Бу эса давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни нормаллаштиришга ёрдам беради.

Ёш дўстлар голланд ва индонез ашулаларини айтдилар. Суринамлик меҳмонлар ўз миллий рақсларини ижро этдилар.

Совет ва Венгрия ёшлари делегацияларининг Совет Армияси Марказий уйи паркида москволиклар билан учрашуви жуда мароқли бўлди. Учрашувда 10 мингдан ортиқ киши қатнашди. Паркнинг оммавий театрида совет ва венгер ёшларининг дўстлигига бағишланган митинг ўтказилди.

Шундан кейин оммавий сайил бўлди.

Лихачев номидаги Москва автомобиль заводи ишчилари Бразилия делегациясини самимий кутиб олдилар. Бош технолог П. А. Цветков меҳмонларга заводнинг қисқача тарихини гапириб берди. Комсомоллар меҳмонларга гулдасталар, альбомлар ,сувениралр, завод фестиваль значокларини тақдим этдилар. Бразилияликлар автозаводликларга эсдалик тариқасида ўзларининг ҳар хил ташкилотларидан бир неча вимпел қолдирдилар. Меҳмонлар завод цехларида автобусларни, велосипедларни, юк автомашиналарини йиғиш процессини тамоша қилдилар. Улар ишлаб чиқариш процессларининг автоматлаштирилиши ва механизациялаштирилишидан қойил қолдилар.

— Мен, яқинда жаҳондаги кўп мамлакатларга саёҳат қилиб бордим, — дейди инженер-электрик Педро Дзианоти — ундаги кўп заводларни бориб кўрдим. Сизларни ишонтириб айтаманки, Москва автозаводининг техника даражасига ҳар қайси мамлакат қизиқса бўлади.

Москвадаги «Калибр» заводига фестиваль қатнашчилари ҳар куни келиб турибди. Ҳозиргача Руминия, Венгрия, Италия вакиллари калибрликларнинг меҳмони бўлдилар. Меҳмонлар Москванинг донг чиқарган заводи цехларини зўр қизиқиш билан кўздан кечирдилар. Миллалик конструктор Вальсенти Альваро ишчилар билан суҳбат қилганда айтдики, Италия халқи совет кишиларининг келажакка ишонч билан қараётганини кўриб турибди. Афсуски, итальянлар эртаги кунга ишонч билан қарай олмайдилар, деди у. Италияда икки миллиондан ортиқ ишсиз бор.

Олимлар уйида совет ёзувчиларининг фестиваль қатнашчилари билан учрашуви бўлди. СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари А. Сурков учрашувни оча туриб, меҳмонларни қизғин табриклади. У суҳбатни саволжавоб шаклида, дискуссиялар шаклида олиб боришни таклиф этди, ошкора, тўппа тўғри гапиришга даъват қилди. Шундан кейин жаҳондаги деярлик ҳамма мамлакатларнинг вакиллари ҳозир бўлган бу учрашув қатнашчилари ўз хоҳишларига қараб бешта меҳмонхонада тўпландилар, фестивалда қатнашувчи ёзувчилар билан ижодий суҳбат қилдилар. Суҳбат ҳозирги замон адабиётининг аҳволига, кишининг шаклланишида бу адабиётнинг тарбиявий ролига доир энг муҳим масалалар тўғрисида олиб борилди.

Миллий концертлар

Финляндия ёшлари делегациясининг қатнашчилари 1 август узоқ кечагача давом этган тантанали концертда ажойиб программа кўрсатдилар. Бу программада профессионал коллективлар — балет группаси, Сулу шаҳрининг қилли музика асбоблари квартети, солистлар, шунингдек бўш вақтларидагина санъат билан шуғулланувчи ҳаваскорлар қатнашдилар. Турли миллатдаги тамошабинлар концерт қатнашчиларини қизғин қарсаклар билан табрикладилар.

Кипрдан фестивалга келган делегация ўзининг биринчи миллий концертини берди. «Ажойиб Кипр» деган халқ қўшиғи билан бошланган концерт Жаҳон демократик ёшлар гимнини куйлаш билан тугади. Концертда ҳозир бўлган москвликлар, шунингдек Хитой, Болгария, Исроил ва Финляндия делегациялари кипрлик ёшларнинг концертини завқ билан тамоша қилдилар.

Мисрликларнинг 1 августда Е. Вахтангов номидаги театрда бўлган ва узоқ кечаси тамом бўлган тантанали миллий концерти миср халқининг қобилиятини ва унинг ўзига хос ҳамда ажойиб санъатини очиб берди. Концертда кўрсатилган ҳамма рақслар ўзининг назокати, нафислиги, рангба-ранглиги билан тамошабинларни завқлантирди.

Германия Демократик Республикасининг 1 августда Совет Армияси театрида бўлган тантанали концерти программасида ГДР ёшларининг янги уруш хавфига қарши курашишга қатъий бел боғлаганликлари ёрқин ифода этилди. «Жаҳон оналари» деган ўзига хос пантомимада болаларнинг бахтини, уларнинг келажагини ҳамма нарсадан кўра азиз деб билувчи турли миллатдаги оналар кўрсатилган. Концерт ҳаммага манзур бўлди.

Совет жангчилари хотирасига

Венгриялик юзта қиз 1 августда Совет Армияси Марказий уйининг паркига келдилар. Улар 1944-1945 йилларда Венгрияни озод қилиш учун курашда ҳамда 1956 йил октябридаги контрреволюцион исённи тугатиш вақтида ҳалок бўлган совет жангчилари хотирасига гул ўтказиш учун бу ерга келдилар. Венгрия ва СССР ёшлари ўртасидаги, ҳар иккала мамлакат халқлари ўртасидаги самимий дўстлик руҳида қисқа митинг бўлди. Очилиб турган оқ ва қизил атр гул кўчатларини кўтариб олган қизлар жўяклар олдига бирин-кетин келадилар. Уларнинг ҳар бири Венгриядан келтирилган бу дўстлик гулларини, тинчлик гулларини муҳаббат билан, авайлаб совет ерига ўтказадилар. Бу тантанали маросимда Венгрия делегацияси билан бирга СССР, Хитой Халқ Республикаси ва бошқа бир қанча мамлакатлар делегацияларининг вакиллари ҳам ҳозир бўлдилар.

2 август. (ТАСС).

ЧЖОУ ЭНЬ-ЛАЙГА СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ СОВҒАСИ

ПЕКИН, 2 август. (ТАСС). Бугун Пекиннинг ғарбий аэродромида Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг бош министри Чжоу Энь-лай Совет ҳукумати томонидан совға қилинган «ИЛ-14» самолётини қабул қилди. Совет ҳукумати номидан самолётни СССР-нинг Хитой Халқ Республикасидаги вақтинча ишлар вакили П. А. Абрасимов топширди.

Самолётни қабул қила туриб Чжоу Энь-лай бундай деди: биз бу совғани Совет Иттифоқи билан Хитой халқлари дўстлигининг ифодаси деб биламиз. Мен Сиздан, СССР-нинг Хитой Халқ Республикасидаги вақтинча ишлар вакили Ўртоқ Совет Иттифоқи ҳукуматига ва халққа, КПСС Марказий Комитетига ва шахсан Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев ўртоқларга менинг миннатдорчилигимни топширишингизни илтимос қиламан.

Самолётни топшириш маросимида ХХР граждан авиацияси бошқармасининг бошлиғи Гуан Жэнь-нун, Ташқи ишлар министрлиги канцеляриясининг мудири Дун Юэ-цянь, Ташқи ишлар министрлиги протокол бўлимининг бошлиғи Ван Чжожу, Пекиндаги Совет элчихонасининг ходимлари ҳозир бўлдилар.

Совет қўшинларининг Германия Демократик Республикаси территориясида вақтинча туриши билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан ўзаро ҳуқуқий ёрдами кўрсатиш тўғрисида СССР ҳукумати билан ГДР ҳукумати ўртасида музокаралар олиб борилганлиги ва битим тузилганлиги тўғрисида ахборот

Совет қўшинларининг Германия Демократик Республикаси территориясида вақтинча туриши билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан 1957 йил 12 мартда СССР Ҳукумати билан ГДР Ҳукумати ўртасида тузилган Битимга мувофиқ, совет қўшинларининг Германия Демократик Республикаси территориясида вақтинча туриши билан боғлиқ бўлган ишларда ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида Берлин шаҳрида музокаралар олиб борилди.

Совет делегациясига СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Юридик комиссия раисининг ўринбосари В. Н. Суходрев, ГДР Ҳукумати делегациясига эса ГДР Юстиция министрлиги бош бўлимининг мудири доктор Г. Остманн бошчилиқ қилди.

Дўстлик, тўла якдиллик ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтган музокаралар натижасида тегишли Битим ишлаб чиқилди. Бу Битим Германия Демократик Республикасининг суверенитетини ҳурмат қилиш принципига асосланган.

Ҳар иккала делегациянинг раҳбарлари Битимни 1957 йил 2 августда имзоладилар.

Редактор ўринбосари
М. ҚОРИЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 4 ва 6/VIII да янги спектакль **Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 4/VIII да **Евгений Онегин**, 6/VIII-да **Катта концерт.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА 4/VIII да **Равшан ва Зулҳумор.**

КИНОТЕАТРЛАРДА:

НАВОИЙ номли (қишки) — кеч соат 7 гача **Чол ибн Хаттоб** 8-40 минут ва 10-20 минутда **Сиҳрли най.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун **Излар қолади.** кундуз 2 ва 3-40 минутда **Чол Ибн Хаттоб.**

«САЛЮТ» — **Бир қизни учратдим.**

«ХИВА» — **Излар қолади.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТР
(Ҳамза номли театрнинг ёзги биносида

5 августда
КАТТА КОНЦЕРТ

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артисти **Раззоқ Ҳамроев**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Фароғат Раҳматова, Эътибор Жалилова, Зайнаб Полтушева, Абдуғафур Абдураҳмонов** ва театр солистлари қатнашади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади.

Айрилиш мавзу. 61-уйда турувчи **Убайдулла Азизовнинг** Железняк кўчаси 7-уйда турувчи Татьяна Константиновна Азизовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Марказий район, 2-участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132. Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими — 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 04913. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № 1860